O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

Миллий Тиклани ш

Ўзбекистон Миллий тикланиш демократик партиясининг ҳафталик газетаси | 1998 йил, 28 апрел | 11 (141)- сон

30 АПРЕЛДА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИНИНГ ЎН БИРИНЧИ СЕССИЯСИ ИШ БОШЛАЙДИ

Қонунлар — қадриятлар каби яшайди ва ишлайди

БИЗ НИМАГА СУЯНАМИЗ?

Оила кодекси: тасдиқ, таклиф, мулоҳаза

Оила қуриш — бу санъат ҳам, бахту саодат ҳам, меҳнату машаққат ҳам, маърифат ва маданият тажассуми ҳамдир. Инсоният тарихидаги энг гўзал ва мукаммал иттифоқ — оила бани одам маданиятининг даҳо ижодидир.

Оила қуриш, бир ёстиққа бош қўйиш, илоҳий никоҳ билан боғланиш инсон зотини турли ташқи таъсирлардан, тажовузлардан, турли-туман хасталиклардан асрайди. Инсоний комиллик ва пок ахлоқ муҳитини яратувчи даргоҳ ҳам оиладир. Асримиз бошларида улуғ миллатпарвар олим, сиёсатшунос, адиб, ҳаким ва руҳиётшунос сифатида майдонга чиққан Фитрат айтади:

— Қаерда оила муносабати кучли интизомга таянса, мамлакат ва миллат шунча кучли ва муаззам бўлади. Агарда бир мамлакатнинг аҳолиси ахлоқсизлик ва фитратсизлик билан оилавий муносабатларни заифлаштириб юборса ва интизомсизликка йўл берса, шунда бу миллатнинг саодати ва ҳаёти шубҳа остида қолади. («ОИЛА» китобидан).

Ватан мустақиллигининг илк йилларидаёқ халқимизнинг насл-насабини яхшилаш, соғлом авлод учун кураш, оналик ва болаликни ҳимоя қилиш борасида эзгу фармонлар, қарорлар кучга кириб, яхши самаралар бермоқда. Оилаларни қўллаб-қувватлаш, ижтимоий муҳофазалаш рўзғорларга барака олиб кирмоқда. «ОИЛА» илмий-амалий марказининг ташкил этилиши, кенг қамровли давлат дастурининг тузилиши, мустақил республикамиз Олий Мажлиси сессияси муҳокамасига қўйилган ва халқ қизиқиб муҳокама қилаётган Оила кодекси ижтимоий ҳаётимизда катта воқеа бўлмоқда.

Яширишнинг ҳеч ҳожати йўқ, собиқ марказда тузилган, «тўқилган» ҳар хил ахлоқ нормалари асосида битилган мажмуалар, турли рисолаларни ўқиб-улғайган авлодмиз. Халқимизнинг урф-одатлари, миллий қадриятлари мутлақо акс этмаган қонун-қоидалар фикримизни чалғитиб турли расм-русумлар, кўнглимизга ўтиришмаган ғайримиллий қоидалар асосида бир неча авлод улғайди, яшади, умргузаронлик қилди. Оила муносабатларида интизом бўлмагани боис, миллий руҳимиз ўзга халқларнинг баъзибир шиддатли ва беандиша русмлари асоратида хира тортди.

Оила аъзоларининг барча манфаатлари, бурчлари, мажбуриятлари, ҳуқуқлари, уч авлод — бобо-буви, ота-она ва набира — уч шажара муносабатлари туташадиган олтин ҳалқа — бутун мураккабликлари муаммоларнинг ечимлари, яшаш тарзи, ботиний ҳаёти билан Оила Кодексида намоён бўлади.

Оилада яшовчилар учун қатъий бир низом бўлмаса, оила аъзолари бир-бирларининг ҳуқуқларини суиистеъмол қилишлари, мулкий ва маънавий ҳуқуқларда турли можаролар юз бериши, оқибатда яхши ният билан қурилган оила барбод бўлиши муқаррар. Ана шундай нохуш ҳолларнинг олдини олиш ва оилаларда муҳит, мўътадил яшаш шароити, оила аъзоларининг маънавий ўсиши, касб-ҳунар танлаши, ҳаётдан ўрин топишлари учун ушбу олий ҳужжат Инсонга қуч-қудрат ва ишонч боғловчи йўриқномадир.

Инсоннинг муқаддас жуфт бўлиб яшаши, Оила қуришидан мақсад авлод чирогининг ўчмаслиги, насл қолдириш, зурёдларининг униб-ўсиб, эл қаторига киришидир. Кодексда булар яхши ифодаланган.

21-моддага ***«Фарзандларнинг соғлом ва баркамол ўсиши, илму ҳунарли бўлиш, мустақил ҳаётдан ўрнини топишида ота-она теппа-тенг масъул ва жавобгардирлар»*** тарзида аниқлик киритилса, мақсадга мувофиқ бўларди.



Тошкент шаҳар хотин-қизлар қўмитаси бузилган никоҳларнинг сабабларини таҳлил қилганда шундай манзара аён бўлади:

— қайнона-қайнотани ҳурмат қилмаслик;

— эрни менсимаслик;

— рўзғор юритишдан беҳабарлик;

— озодаликка риоя этмаслик.

Бу каби баҳонайи сабаблар ажралиш чоғида даъвогарлар томонидан бот-бот такрорланади.

Ички ликка берилиш, рўзғорни тебрата олмаслик, ўринсиз рашк, ахлоқий бузилишлар ҳам суд остонасига бошлаб боради.

Юқоридаги ҳолларни тузатиш мумкин, уларни сабру тоқат ва оқиллик, қайнота-қайноналар донишмандлиги билан бартараф этиш мумкин. Оила кодексида ҳар икки томоннинг никоҳни бузиш ҳақидаги даъво-аризалари кўрилганда никоҳни бекор қилишдаги асосий сабаблар қатъий ва қаттиқ кўрилгани маъқул.

Ана шу ўринда ўзбек келинларининг оилада тутган бугунги ўрни ҳақидаги қарашларни, халқимизнинг келинга бўлган муносабатларини ҳам бироз аниқлаштиришимиз, ўзгартиришимиз керак бўлади.

Қайнонага ёқмай, қайнотага ёқмай, натижада икки ёшнинг турмуши бузилиб кетаётган ҳоллар анча-мунча. Кўп ҳолларда хонадонлар келинни хизматкор деб биладилар, уни қозон-товоққа, супургига боғлаб қўядилар. Ҳақиқий ўзбек хонадонлари аслида келинларига ўз қизларидан кўнроқ меҳр боғлайдилар: ўғлининг йигит исмига отадай улуғ савлат қўшадиган зот деб сийлайдилар, аяб-аяб йўлга соладилар, оғир ишлардан сақлайдилар. Қайнона ёки қайнота, ёки қайнсингил зулми, аралашуви билан барбод бўлаётган оилалар бор. Учинчи шахснинг аралашувини таъқиқлайдиган ёки суд чоғида у ёки бу томон ёнини олиб, ажралишда «даллол»лик қиладиган шахслар ҳаракатига тегишли баҳо бериладиган модда киритилса, қўйди-чиқдилар камайган бўларди.

Балоғат ёшига етмаган қизларни яширин хутба ўқиб, никоҳлаб қўядиган шахсларга ҳам тегишли мулосабат билдирилса, айни муддаодир.

Бизни ташвишга соладиган муаммолардан бири шуки, баъзи ҳолларда эр-хотин ажрашгандан сўнг хотин кўчада қолади. Қўлида эмизикли боласи ҳам бор. Эр шахсий турар жойга эга эмас. Ҳали бир касбнинг бошини тутмаган, ота-онасининг топгани билан кун кўради... Бундай ҳолларнинг олдини олмоқ учун, кодексда уйланаётган эрнинг даромад манбаи, хотин учун бошпанаси борми-йўқми, назарда тутилгани дуруст.

Қадимда хотинини талоқ қилган эркак тўнини елкага олиб, уй-жойини хотинига ташлаб, мардлик қилиб чиқиб кетган.

Ҳаёт илгарилаб кетди. Одамларнинг дунёқараши ўзгарди. Дунёвий бордикелдилар, илмий-техникавий тараққиёт, мустақиллик руҳи оилаларга кириб боряпти. Оилалар жаҳоннинг илғор андозаларига бўй ўлчаб ўз фарзандларини тарбиялашга киришяптилар. Ўз фарзандларини беш-олти ёшидан қўшимча мактабларга, гимназияларга олиб бориб бир неча тилларни ўргатаётган келинчакларни кўрсам, ўзимда йўқ севинаман. Оила қанча бақувват, фарзандлари соғлом, билимдон, оила бошлиқлари фаол ва серҳаракат бўлсалар, миллат, халқ шунча бақувват, қудратли, илдизи мустаҳкам бўлади. Оила кодекси ана шундай олижаноб мақсадларнинг рўёбига, тараққиётига, инсон фаровонлиги, камолига хизмат қилади, деб ишонаман.

Ойдин ҲОЖИЕВА,
Ўзбекистон халқ шоираси

Бир ўқ атрофида айланар дунё

ОКТАВИО ПАС «НОПАСАРАН!» ДЕБ НИДО ҚИЛГАН ЭДИ

Шу йилнинг 20 апрелида XX асрнинг улкан адибларидан бири, Нобел мукофотининг совриндори Октавио Пас 84 ёшида қазо қилди. Октавио Пас Мексиканинг Нобел мукофотига сазовор бўлган биринчи фуқаросидир. У XX аср дунё воқелигини жуда теран акс эттиролган ёзувчи ва шоир, бадиа устасидир. Октавио Пас умрининг кўп қисмини дипломатия хизматларида ўтказди. Унинг «Нопасаран!» деб номланган, 1936-39 йил Испания воқеаларига бағишланган илк китоби дунёга танилди. Адибнинг «Одамнинг илдизи», «Сенинг равшанг соянг остида», «Рост сўз учун эркинлик», «Гимн уруғи», «Қуёш тоши», «Яхлит шамол» сингари китоблари, «Ёлғизлик лабиринти», «Кубба ва лира» сингари эссеистик асарлари XX аср дунё адабиётининг ёрқин намуналаридир.

ДИССИДЕНТ ВАН ДАН ОЗОДЛИККА ЧИКДИ

Хитой ҳукумати диссидент Ван Данни озодликка чиқарди. Ван Дан 1989 йилда Хитойда демократия бўлсин деган талаб билан ёшларни Пекинда Тянанмин майдонига катта намойишга олиб чиққан, сўнг ҳукумат томонидан узоқ муддатга қамоқ жазосига ҳукм қилинган эди. АҚШ давлат департаментининг расмий вакили Жеймс Рубиннинг айтишича, Хитой инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасида халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлик қилишга киришган. Инсон ҳуқуқлари борасида Хитой халқаро нормалар ва амалиётидан жуда орқада қолгандир. Диссидентларга қаттиқ жазо ва назорат чоралари қўлланмоқда. Айниқса, Хитой маъмурияти ва коммунистик партиясига қарши чиқувчилар аёвсиз таъқибга олинмоқда. Ҳозир Хитойда сиёсий маҳбуслар сони жуда кўп. Хитой демократик эркинликлар борасида узоқ ва машаққатли йўлни босиб ўтишига тўғри келади.

ҚАТЛГОҲДА

БМТ топшириғига кўра Ирокда инсон ҳуқуқларининг бузилиши билан боғлиқ текширишлар ўтказган Макс Ван дер Столнинг маълумотига кўра Ирокда 1997 йилда 1500 сиёсий маҳбус қатл қилинган деб ҳисоблашга барча асослар бор.

ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ БЎЙИЧА МАКТУБЛАР

Чехия президенти Вацлав Гавел, Корея республикаси президенти Ким Де Чун, Бирма жамоат арбоби Аун Сан Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг 50 йиллиги муносабати билан БМТга мактуб йўлладилар.

Вацлав Гавел:

— Инсон ҳуқуқлари декларацияси ҳужжатларгина эмас, улар бизга кўкдан тушган васиятлар, бизга берилган ўлмас қадриятлардир. Қадриятларнинг ўз кафолатлари бўлади. Кафолатлар — одамлардир.

Ким Де Чун:

— Қирқ йил бурун мен ўзим диктатор томонидан таъқиб остига олиндим. Беш бора ўлим билан юзма-юз келдим. Олти йил қамоқларда ўтирдим. Ўн йил сургунда бўлдим, уй қамоғида ўтирдим. Қолган бутун умримни инсон ҳуқуқлари учун курашга бағишлайман. Инсон ҳуқуқлари — тириклигимизнинг замини...

Аун Сан:

— Ҳаммамиз одам болаларимиз. Шундай экан, азобуқубатларни бошдан кечираётганларга бепарво бўлмаслигимиз керак. Инсон каби яшамоқ оъмолидан бир зум ҳам айрилмайлик...

Сабо, етқур саломимни

ОДАМНИНГ НАРХИ... БОРМИ?

Одамиятнинг бу дунёда энг ардоқли деб билган таянч нуқталаридан бири — бу — номусдир. Уни туйғудан ҳам кўра табиий мавжудлик деб биламиз. Она сути, она алласи, ота дуоси билан бирга лойимизга қорилган тийнат деб ардоқлаймиз. «Ор-номус ва иззат-нафс ҳамма нарсадир» деган буюклардан бири.

Ўйлаб кўринг, номусни юксак қўймаган қандай хилқат бор, қандай халқ, қандай замон ва қандай макон бор?

Ҳатто ҳайвонларда, ҳатто дарахтларда, майсаларнинг бош эгиб турмоғида уят, андиша бор. Уят ва андиша эса номуснинг ҳимоячиларидир. Эҳтимол биз бугун экранларда қўйилаётган беҳаё филмларни, суратларни яратаётган одамларнинг ҳам фарзандларини (айниқса қизларни) беҳаё, тарбиясиз бўлса қанчалар азоб чекишини тасаввур этмаймиз, бироқ номус ҳамма учун бир хил — қимматлидир.

Мен бу билан нима демоқчиман? Эшитинг:

Яқинда пойтахтимизнинг хиёбонидан кетаётсам ёши 40 лардан ошган бир киши ёнимга келиб:

— Синглим, кечирасиз нархингиз қанча? — деб сўради. Мен аввал англамадим, ҳайрон бўлдим.

— Нима дедингиз тушунмадим?

— Нархингиз қанча, қанча берай?

... Жаҳлим чикди. Жаҳлим чиққандан ҳам кўра ачиниб кетдим. Нақадар аянчли вазият эди. Наҳотки одамзотнинг ҳаётда каттароқ мақсади бўлмаса? Наҳотки одам шунчалик тубанликни оддий сўзлар каби сесканмасдан бемалол «изҳор» этса. Мен қаршимда турган мана бу ифлос одамга, менинг кўзларимга бутун одамзотни ўзидек ифлос қилиб кўяёзган мана шу жирканч одамга нима дейин?

Отам тенги, лек отамнинг бир тола сочига арзимаган, дунёни «тан ови»дан иборат деб билган, фарзандлари, оиласи, аёли олдида бурчларини унутган мана шу одамга нима дейин?

— Ифлос экансан, йўқол — дедим-да, кетдим...

Биродарлар! Дунё биз ўйлаганчалик ифлос яралмаган. Унинг бугунги аҳвол-руҳиясида жирканч одамларнинг қанчалар «ҳиссалари» бор билмадим, сиз нима дейсиз?

Таҳририятга ҳурмат ва эҳтиром билан
МУЯССАР

Тошкент шаҳри.

Туризм — кўрким, кўркамлигим

ЎЗБЕКТУРИЗМ ЧЎҚҚИЛАРНИ КЎЗЛАМОҚДА

Бўлса хурсанд агар турист — ишинг бўлар анча дуруст
«МТ» ҳикмати

Хўжалик юритишда қандай қилса, катта даромад, фойда олиш мумкин, бунинг ўзига хос йўл-йўриқлари ва усулларини излашда гап кўп. Ишлаб чиқаришни бошқариш, ноишлабчиқаришнинг муваффақиятли воситаларини яратиш, такомиллатиришда менежмент муҳим ўрин тутмоқда.

Республикамизда сайёҳлик фаолияти билан шуғулланувчи ташкилотларнинг президент фармони билан ташкил топиши (1992 йил «Ўзбектуризм» миллий компанияси тузилди), ўлкамизда қулай иқлим шароити, бой тарихий-маданий обидалар, Буюк Ипак йўли мавжудлиги сайёҳликнинг ривожланишига етарли асос бўлади.

Ўзбекистон 9 мингдан зиёд тарихий-маданий обидаларга эга. Улар дунё тарихи ва маданиятида ўзига хос ўрин тутади. Ҳозирги кунда шуларга кўра республикамизга чет эл сайёҳларининг келиши жуда ўсди.

1996 йилда Ўзбекистонга келган сайёҳларнинг сони 550 минг кишидан ошди. «Ўзбектуризм» миллий компанияси чет эл сайёҳларини Ватанимизга жалб этиш учун катта саъй-ҳаракатлар қилиб келмоқда.

Сайёҳликни ривожлантириш мамлакатга валюта оқимини оширади. Чет эллар тажрибаси шуни кўрсаталики, ривожланган мамлакатларда туризмдан келадиган бу тушум давлат бюджетининг 24 фоизигача етади.

1995 йилдан буён ўнлаб хорижий фирмалар билан ҳамкорликда Буюк Ипак йўли йўналишида ўтказилаётган халқаро ярмаркалар сайёҳлик бизнесининг равнақига туртки берди.

Республика Президенти И. А. Каримов 1997 йил 31 март — 2 апрел кунлари Грециядаги қилган амалий ташрифи чоғида ҳам сайёҳлик ташкилотларида менежментни ривожлантириш, меҳмонхона қуриш, сайёҳларга хизмат кўрсатувчи кадрларни тайёрлаш тўғрисида битимлар имзоланди. Грецияни ҳар йили қарийб мамлакат аҳолиси сонига тенг — 10 млн. га яқин сайёҳ келиб кўради. 1996 йили Греция туризмдан 4,1 миллиард АҚШ доллари миқдорида даромад кўрди.

1995 йили Перу 4,6 миллиард доллар, Уругвай 632 миллион доллар фойда кўрди. Америкада меҳнатга лаёқатли аҳолининг 6 фоизи, Англияда 4,1 фоизи сайёҳларга хизмат кўрсатади. Республикамиз эса 1993 йилдан 1995 йилгача 34,4 млн. доллардан 101,2 млн. долларгача, 1996 йили 198 млн. доллар соф даромад кўрди.

Туристнинг кўнглини ол, ҳамёнига қарама.
«МТ» ҲИКМАТИ

Сайёҳларга хизмат кўрсатиш ҳажми эса 1995 йили 9 фоиздан 67,5 фоизга ортди.

Бозор муносабатлари шароитида сайёҳлик ташкилотларида акционерлик бирлашмалари, хусусий сайёҳлик фирмалари, вилоятларда компаниянинг филиаллари ташкил топиши, буларда сайёҳларга хизмат кўрсатувчи объектларнинг кўпайиши улардан келадиган даромадларнинг ўсишига олиб келмоқда. Миллий компания 1992 йилда «Ўзбекспецтур» Республика ташқи иқтисодий ишлаб чиқариш бирлашмасини ташкил этди. Бу бирлашма Республикамизда ихтисослашган саёҳатлар соҳасидаги имкониятларни кенгайтириш билан бирга янги саёҳат йўналишларини излаш, алпинизмни йўлга қўйиш, табиат бойликларини ҳимоя қилиш, яхшилаш, тиклаш билан яқиндан шуғулланмоқда. Шу билан бирга овчилик, табиат мўъжизалари билан танишиш, отлар, туялар юриб мамлакатни кўрсатиш каби жозибали усуллар ҳам ташкил топмоқда.

Бирлашманинг ўз низом фонди мавжуд. Бирлашмани «Ўзбектуризм» миллий компанияси маблағ билан таъминлайди. Фонд ўз ичига ишлаб чиқариш, фан ва техникани ривожлантириш, истеъмол, ижтимоий ривожлантириш, заҳира фондларини олади. Вилоятлардаги минтақавий бўлинмаларда ҳам фондлар мавжуд бўлиб, бу фондларни маблағ билан тўлдириш менежерларнинг асосий вазифасидир. Улар яна реклама, суғурта ишлари, сайёҳларни жалб этиш, турли-туман адабиётлар, буклетлар, маркетинг ишлари билан яқиндан шуғулланади. Ҳозир сайёҳларга хизмат кўрсатувчи, жаҳон андозаларига тўла жавоб берадиган турли меҳмонхоналар жадал қурилмоқда.

«Ўзбектуризм» миллий компаниясининг ихтиёрида ҳозирги кунда меҳмонхоналарда 8137 жой мавжуд бўлиб, бу бугунги кунда сайёҳларнинг 50 фоизинигина жой билан таъминлашга етади.

Турли тоифадаги меҳмонхоналарни қуриш ва ишга туширишда жуда катта аҳамият касб этмоқда. Сайёҳларга хизмат кўрсатишни юқори савияга кўтариш, маданий хизмат кўрсатиш даражаси, турли қулайликлар яратиш сайёҳатчилар оқимининг кучайишига олиб келади. Ранг-баранг миллий амалий санъат совға буюмларини етарлича тайёрлаш ҳам сайёҳларни жалб этишга хизмат қилади.

Сайёҳ тарихий-маданий обидаларни кўриш билан бирга халқимизнинг урф-одатлари, маросимлари, ҳунармандчилик маданияти, халқ маҳорати намоён бўлган соҳалар билан яқиндан танишса, бу ватан шуҳратининг ортиши, қадрланишини кучайтиради.

Сайёҳлик фаолиятини ривожлантиришда кадрлар асосий ўрин тутади, албатта. Туризм бўйича ишлайдиган юқори малакали мутахассисларни етиштириш жуда муҳим вазифалардан бўлиб турибди.

Ҳозирги кунда биргина Тошкент шаҳрининг ўзида сайёҳлик ва сайёҳлик фаолияти билан шуғулланувчи 127 та ташкилот мавжуд.

«Ўзбектуризм» миллий компаниясига қарашли ташкилотларда 70 мингдан ортиқ хизматчилар мавжуд. Шу кунгача сайёҳлик фаолиятига боғлиқ кадрлар тайёрланган эмас. Бугунги кунда хусусий сайёҳлик фирмаларига ва давлат ташкилотларига кадрлар — сайёҳлик билан шуғулланувчи менежерлар, маданий хизмат кўрсатувчи малакали, етук ходимлар тайёрлаб бериш заруратн кўндаланг бўлиб турибди.

Абдишариф СОБИРОВ,
А. Қодирий номидаги Тошкент давлат Маданият институти «Бошқарув ва маданий иқтисод» кафедрасининг катта ўқитувчиси

Қонунларимиз — қадриятларимиз каби

30 апрелда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўн биринчи сессияси иш бошлайди

ЎЗБЕГИМНИНГ ЎЗЛИГИ ҚАНИ?!

Она диёримиз мустақилликка эришди. Маънавиятимиз, урф-одатимизни жой-жойига қўйиб, уларга янада сайқал бериш имконияти туғилди. Ўзбек халқи ўзлигини англамоқда. Ота-боболаримиздан бизларга мерос бўлиб қолган осори атиқалар, ноёб қўлёзмалар, зару гавҳардан-да қадрли бўлган хазиналар ўрганилиб, элу юртга тақдим этилмоқда. Бу қувонарли ҳол, албатта. Афсуски, иш жараёнида баъзан кўчалардаги қарамлик заботида битилган ёзувни кўриб, лавҳаларни ўқиб, ёш йигит-қизларни ўзаро суҳбатларига гувоҳ бўлар эканман, ёқа ушлаб, ҳали тинмай маданиятимиз учун тер тўкиш, жон куйдириш кераклигини янада чуқур англайман.

Тикланиш мавзулари

ЖИНСИ ЙЎҚ ТИЛ

Одатда эркакка ўхшамоқчи бўлган аёл қандай ўхшовсиз туюлса, аёлга ўхшамоқчи бўлган эркак ҳам шунчалик нотабиий туюлади. Мабодо аёлга ҳам, эркакка ҳам ўхшамаса-чи, уни ким деб аталади? Автобусда ёки йўлда кўп бор суҳбатларга бехос шоҳид бўламан. Ҳайронман, кийиниши, сурати туппатузук, лекин гаплари ажабтовур. Булар қанақа тилда сўзлашяптилар? Қаердан келиб қолган бу бўтқа тил? — деб куюнаман. Ўзбекистон халқ шоири, устоз Эркин Воҳидовнинг бир мақолада мухбирга берган жавоби эсимга тушаверади:

— «Кеча телевизорда бир таниқли тилшунос олим чиқиб гапирди, ярмидан ортиқ сўзи русча. «Кўзим чиқсин сени кўрганча бундоқ», деб хитоб қилдим», — деган эдилар ул зот.

Автобусда ёнгинамда қизғин суҳбат боряпти:

— «Кеча вобще, кеч қолдик. Паханинг мазгингни қоқдими!?»

— «Ҳа, вобще гапирма. Мазгимни сушить қиворди. Яхши мамашкам аралашди. А то, билмадим нима бўларди. Общим скандаль бўлди-де!»

Ана сизга жинси йўқ тил. У шунча ҳам бўтқа бўладими а!

Шу ўринда 1978 йилдан Олмония фуқаросига айланган ўзбек қизи Дилдора Дамишнинг «Саодат» ойномасига берган суҳбатини эсладим. У советлардан қолган нобоп асоратлар ҳақида сўзларкан, жумладан, шундай деганди:

— «Шу ўринда яна бир асорат ҳақида тўхталсам: Ғарбда яшаб диннинг, миллатнинг жамиятга, инсониятга нақадар зарурлигини ҳис қилдим. Яқинда мени Тошкентда ресторанга таклиф қилишди. Ўйин бўлаяпти. Ўзбек йигит-қизларининг ўйинидан, аниқроғи, сакрашидан ҳеч нарсани англамадим. Бу қанақа рақс, тушуниб бўлмайди. Кейин англадим — советча. Менинг ўзбекча рақс тушгим келди, мусиқачилардан ўзбекча куй чалиб беришларини сўрадим. Елка қисишди... Бу мустақиллик йўлида йўл-йўлакай ҳал этиладиган кичик бир ҳодисадир, аммо...» Энди маълум бўлдики, баъзи ёшлар нафақат советча рақс тушар, балки советча суҳбатлашар ҳам эканлар... Бу ғоят ачинарли ҳолдир. Зеро, инсоннинг қачонки тили пок бўлса, шундагина унинг дили покланади. Дили пок инсоннинг эса имони бут, диёнати устивордир. Советча турмуш тарзи бизга зўрлик билан тиқиштирилган эди.

Ўз она тилини булғатувчи, уни эъзозлаш, улуғлаш ўрнига пала-партиш қўлловчи баъзи кимсаларни кўрсам, дилим хуфтон бўлади. Мир Алишер Навоий бекорга айтмаганлар «Тилга ихтиёрсиз — элга эътиборсиз» — деб. Она тилимизнинг гўзаллиги, улуғворлиги, шеваларга нақадар бойлиги, жозибаси ва мафтункорлигини ҳис этмаслик нимадан? Тарбия, ўқиш-ўқитиш оқсоқлигиданми?

Кийимлари қоматларига жуда ярашган икки қиз. Уларга ҳавас-ла боқдим. « — Қани энди барча қизлар шулар каби гўзал, мафтункор бўлишса-я», — деб орзуладим. Бири ёниб гапирарди. Сўзларига беихтиёр қулоқ тутдим.

— «Қўйсанг-чи, Гули. У ҳам йигитми, у ҳез-ку!

— Ҳе, уни онасини...»

Қиз қўпол сўкинди. Мен лол қотиб, таққа тўхтадим. У қизга яна бир бор бошдан оёқ разм солдим. Ҳозиргина мени ҳавасимни келтирган гўзаллик гўёки бир тумандек тарқаб кетди. Ғунчага монанд бу ақиқ лаблардан чиққан хунук сўз юрагимни наштар каби тилди, дилимни яралади.

— «Эй, яратган эгам бундайларга ўзинг инсоф бер!», — деб илтижо қилмоқдин ўзга чора топмадим. Ўйга толдим. Уларнинг сурати гўзалу — сийрати нега бунчалар ғариб. Ахир бу қиз ҳам Зебуннисо, Моҳларойим, Кумушбибилар авлоди-ку!? Мен барча ўзбек қизларини кўркам, озода, ширинкалом, иболи, иффатли кўргим келди. Улар нутқида энг юксак маданият акс этишини жон-дилдан истайман.

Ҳаргиз разолат, қабоҳат ботқоғига ботмангиз! Ул расво ботқоқдан чиқмоғингиз ниҳоят даражада қийин, душвордир, деб ҳайқирсам дейман...

МОСКВА ОСТОНАСИ ҚАЕРДАН БОШЛАНАДИ?

Она тилимизга давлат мақоми берилганига ҳам анча йиллар бўлди. Кўпгина ўзгаришлар, киши дилини қувончга тўлдиргувчи, уни эзгуликка ундовчи, ифтихор ҳиссини қўзғатувчи ишлар кенг қўламда олиб борилди. Лекин чалачулпа ишлар ҳам оз эмас. Оқтепа мавзесидаги уйларнинг бирида «Массив Ак-тепе» деган ёзув чириган, лекин олиб ташланмаган. Шаҳар кезаман. Жойларда бошқа тилда ёзилган эълонлар, рекламалар қалашиб бормоқда. «Ново-Московская» кўчаси «Оққурғон» деб ўзгартирилган лавҳани кўрдим. «Хайрият-э», — дедим шодланиб. Шодлигим узоққа бормади. Баъзи биноларда «Ново-Московская», — деган лавҳа сақланиб, худди йўловчини масхаралаётгандек ярақлаб турарди. Бу нима? Беэътиборликми, лоқайдликми!? Автобус кутаяпман. Мана ниҳоят биттаси келиб тўхтади. Унинг пешанасига «Москва остонаси бекати», — деб ёзиб қўйишибди. Нима, Москва остонаси Тошкентдан бошланадими? Ахир чала муллалик қачонгача? Ёки қизил қор ёғишини кутамизми? Маънавиятимизнинг юксалишига тўғаноқ бўлаётган, маданиятимизнинг юзига парда ташлаб, уни хиралаштираётган бу каби ишлар тезроқ ҳал этилмоғи лозим.

Эркин ҲАЁНБОЙ

ФЕРМЕР – ЕНГАМАН ДЕР

ҚАЛОВИНИ ТОПГАН ИНСОН

Андижон туманидаги «Усмонҳожи» чорвачилик фермаси ҳоким қарори билан 1995 йил 19 майда ташкил топган эди. Дастлаб 30 бош қорамол ва 9 гектар ерга эга бўлиб, чорвачилик маҳсулотлари етиштиришга ихтисослашган эди. А. Болтабоев Республика Президентининг чорвачиликда хусусийлаштиришни ва хусусий тадбиркорликни давом эттириш тўғрисидаги фармонидан илҳомланиб, деҳқон (фермер) хўжалиги тузишга киришди. Мамлакатдан икки миллион сўм қарз олиб, Иброҳим Бакиров номидаги хўжаликнинг «Дўстлик» сут-товар фермасини кимошди савдоси йўли билан сотиб олди. 1995 йил августидан бошлаб, қишлоқ хўжалик, чорвачилик ва тикувчилик маҳсулотларига ихтисослашган деҳқон (фермер) хўжалиги сохиби бўлди. Ўша вақтда хўжаликнинг баланс қиммати 11 миллион 500 минг сўмни ташкил қиларди.

Қорамоллар бош сони 379 бош, ер майдони 153 гектар бўлиб, 1995 йилда давлатга 49,9 тонна сут, 6,1 тонна гўшт сотган. Ўтган қисқа даврда қорамоллар 410 бошга етди, 70 бош бузоқ олинди. Давлатга гўшт сотиш 17,6 тоннага, сут сотиш 175 тоннага етди. Ҳар бир соғин сигирдан 2359 килограммдан сут соғиб олинди. Гўштга тортилган 53 бош сўқимнинг ўртача вазни 333 килограммга етди.

Бу ердаги ишлар оилавий пудрат асосида бўлгани сабабли ишловчилар илгаригидек кун ўтсинга эмас, балки яхши ишлаб, кўп даромад олишни кўзлаб меҳнат қиладиган бўлишди. Чорвачиликка ажратилган ерларга экилган беда, маккажўхори, ем қизилчасидан мўл ҳосил олиб, тўйимли озуқа бирлиги жамғаришга астойдил киришилди. Ўтган йили ҳар бир шартли қорамолнинг ҳар кунига 13 озуқа бирлиги миқдорида ем-ҳашак жамғарилди. Бу рақам эса вилоят ва туман кўрсаткичига нисбатан 4,1 озуқа бирлиги миқдорида кўп демакдир. Давлатдан 380 тонна концентрат ем сотиб олинди. Бу ҳайвонларни тўйдириб боқиш, маҳсулотни кўп олиш, қорамолларни бўрдоқига қўйиш имконини берди.

Тажрибали деҳқон ем-ҳашак бригадаси сардори Мирзабаҳром ҳожи Кўчқоров, механизатор Сотиболди Неъматов, сувчи Носиржон Мирзаевларнинг халол хизмати туфайли озуқалар исрофгарчиликсиз йиғиштириб олинди. 119 тонна маккажўхори дони етиштирилди. Ферма мудири Абдулҳофиз Тошматовнинг талабчанлиги туфайли ҳайвонларга соғин олдидан вақтида озуқаси етказиб бериладиган бўлди. Сигир соғувчи Розияхон Асқарова кўп ва сифатли сут соғиб олишда бошқаларга ибрат намунасини кўрсатиб меҳнат қилмоқда. Ўзига биркитилган 22 бош сигирдан 17 бош соғлом бузоқ олди, ҳар бир соғин сигирдан олинган сут 2506 килограммни ташкил этди. Жамоа аъзолари чорвачилик маҳсулотларини қайта ишлашга алоҳида эътибор бериб Латвиядан бир иш кунида 10 тонна сутни қайта ишлайдиган сут заводини олиб келтириб битказдилар. Ҳозирда заводдан 13 хил сут маҳсулотлари қадоқлаб чиқарилмоқда. Ўтган йили 2675 тонна сут қабул қилиниб, қайта ишланди. Сутни қайта ишлаб савдо қилишдан 17 миллион 381 минг сўм даромад олинди.

Бу ғалабаларни қўлга киритишда, давлат меъёрида маҳсулот тайёрлашда завод директори Абдумалик Болтабоев, технолог Маъмурбек Узоқов, илғор ишчилардан Марҳабахон Низомиддинованинг хизматлари катта бўлди. 17 та жамоа хўжаликлари, хусусийлашган фермалар ва чорвачилик фермерларидаги сутларни ўз вақтида ташиб келаётган ҳайдовчи Шавкатбек Ҳасанов хизматидан мижозлар мамнун бўлишмоқда.

АРЗОН ВА ҚУЛАЙ

Жамоа аъзолари ҳаётида ўтган йилнинг тўртинчи чораги эсдан чиқмайдиган сана бўлиб қолди. Бу ерда дала меҳнаткашлари, чорвадорлар ва ҳарбий аскарларга мўлжалланган керзи этик ҳамда қўнжли ботинка тикиш цехи ишга туширилиб, 30 нафар косиблар меҳнат фаолиятини бошлашди. Улар тайёрлаган пойабзаллардан декабр ойининг ўзида 95 минг 780 сўмлик савдо қилинди. Патиддинов номидаги жамоа, Чўлпон номидаги деҳқончилик фермаси меҳнаткашлари дастлабки харидорлари бўлишди.

Тикувчилик цехи ишлари ҳам такомиллашиб, маҳсулот турлари кўпайди. 1996 йил давомида болалар кийимлари, кўрпа-ёстиқ жилдлари, ишчи коржомалари тикилар эди. Ўтган йилдан бошлаб мактаб ўқувчилари учун икки хил сумка тикиш ҳам ўзлаштирилди. Суньий чармдан тикилаётган сумкалар чидамлилиги, енгил ва ихчамлиги билан ажралиб туради. Улар қўлда кўтариб ва елкага осиб юришга мослаштирилган.

Тайёрланган сумкалардан 1857 донаси вилоят китоб савдоси дўконларида сотилди. Андижон ва Фарғона вилоятлари халқ таълими бошқармаларидан буюртмалар келмоқда. Тикувчилик цехида тайёрланган маҳсулотлардан олинган даромад 7 миллион 400 минг сўмни ташкил этди. Тикув цехи бошлиғи ҳамда бичувчиси Нозимжон Холматов, чеварлардан Гулшаной Собирова, тикувчи Анорхон Ҳасанова кунлик ва ойлик режаларини 125-130 фоиздан уддалаб, бошқаларга ўрнак кўрсатмоқдалар.

Хўжаликда тайёрланаётган чорвачилик ва саноат маҳсулотлари баҳолари бошқа дўконлардаги нархларга нисбатан 10 фоиз арзонлаштирилгани учун ҳам харидорлар кун сайин кўпаймоқда. Бу ерда аҳолига имтиёзли транспорт хизмати кўрсатиш натижасида мазкур хизмат туридан 31 минг сўм маблағ тўпланган. Дамариқ, Экинтикин, Узунқўча маҳалла аҳолиси иккита шаҳар телефонидан бепул фойдаланмоқдалар.

ҚЎШИМЧА ИШЧИ ЎРИНЛАРИ ЯРАТИЛМОҚДА

Деҳқон (фермер) хўжалигида мамлакатимизнинг қишлоққа саноатни олиб кириш ва ривожланган мамлакатлар маблағларидан фойдаланиб, ички бозорни тўлдиришга қаратилган қарорларини бажаришга астойдил киришилган. Ўтган йилнинг 10 ноябрида АҚШнинг «Эйшен Кроссроудз Лоун» компанияси билан 98 минг долларлик инвестиция олиб кириш учун шартнома тузилган эди. 1997 йил 28 декабрида юқоридаги маблағ Данияга ўтказилди. Бу давлатнинг «Тетро ПАК Хойер А/с» компаниясидан сут маҳсулотларини қадоқлайдиган, совутадиган ва сақлайдиган анжомлар сотиб олинаётир. Бу анжомлар фойдаланишга топширилиши билан чорвачилик маҳсулотлари сотадиган дўкон ва кўчма дўкончалар сони 20 тадан 45 тага кўпаяди.

Жорий йилнинг апрель-май ойларидан бошлаб мол гўштидан йилига 6 тонна колбаса, 20 минг дона музқаймоқ ишлаб чиқарилади. Ҳамдўстлик мамлакатларидан Қозоғистон, Қирғизистон билан йилига 160 минг 240 АҚШ доллари миқдорида чорвачилик ва саноат молларини экспорт қилиш тўғрисида шартнома имзоланди. Голландиянинг минтақавий NMSP дастури билан ҳамкорликда ҳайвонлар наслини яхшилайдиган, маҳсулдорлигини оширадиган наслдор зотлар сотиб олиб, ўрчитилган ҳайвонларни Фарғона водийси шароитига мослаштириб ўстириш ҳақида беш йиллик бизнес режаси тузилди ва шартнома имзоланди. Шу йил май ойида жавоб сафарига борилади. Шу каби аниқ тадбирлар амалга оширилгач, 120 та қўшимча ишчи ўрни яратилади.

МУАММОЛАРНИ ЕЧИШ ИМКОНИ БОР

Маълумки, сут тез бузиладиган маҳсулотлардан биридир. Фермернинг сут заводига ҳар куни 17 та хўжаликдан 4-4,5 тоннадан зиёд сут ташиб келинади. Уни қайта ишлаш ва қадоқлаш учун завод бир меъёрда ишлаши керак. Афсуски, кўпинча электр қувватининг берилмаслиги, огоҳлантирилмай электрни ўчириб қўйиш каби кўнгилсиз ҳоллар бўлиб туради. Шунинг оқибатида бир неча марта маҳсулотнинг айниб қолиши ва натижада кўплаб моддий зарар кўрилиши такрорланди.

Заводдан чиқарилган сифатли маҳсулотларнинг асосий қисми вилоят ва тумандаги давлат фонди жамоаларига топширилади. Улар орқали касалхоналарга, мактаб ва болалар боғчаларига юборилади. Аммо маҳсулотнинг маблағини вилоят ва туман бюджетидан ўтказиб бериш аксарият ҳолларда пайсалга солинади. Оқибатда чорвадорларнинг маошлари баъзида ўз вақтида берилмай қолмоқда. Молия бўлими ва давлат солиқ инспекцияларидаги раҳбарлар эрта соат 5 дан сигир соғаётган ва ҳайвонларни озиқлантираётган ходимлар иш ҳақкини вақтида тўлашига жиддий эътибор берсалар яхши иш бўларди. Негаки, бу соҳада ҳам узилишларга йўл қўйилмоқда.

Юқоридаги каби муаммоларнинг ечимини топаётган «Усмонҳожи» деҳқон (фермер) хўжалиги томонидан меҳнаткашларнинг моддий манфаатдорлигини яхшилаш чоралари кўрилмоқда. Ҳар бир пудрат бошлиғининг ўртача ойлик маоши 6668 сўмни ташкил этса, шогирдларнинг ойлиги эса 1780 сўмга тўғри келади. Ишловчилар махсус кийимлар билан таъминланган. Бир маҳал бепул иссиқ овқат берилмоқда. Душхона, сауна ишлаб турибди.

Хўжалик ҳудудидаги ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларга 70 минг сўм, марказий касалхонага 150 минг, 15- мактаб қурилишига 220 минг сўм маблағ ўтказиб берди. 1000 бош парранда сотиб олиб, пархез гўшт ва тухум етиштиришга киришилди.

Хўжаликнинг 1997 йилдаги баланс қиймати 16 миллион 723 минг сўмни ташкил этди. Жами фойдаси 6 миллион 205 минг, соф фойдаси эса 3 миллион 706 минг сўмга тўғри келди. Асосий воситалар киймати 4 миллион 85 минг сўмни, рентабеллик даражаси 30,8 фоизни ташкил этди. Йиллик иш ҳақи фонди 2 миллион 818 мингга етди.

Ана шундай кўрсаткичлари ва намунаи фаолияти учун вилоят тадбиркорлар палатаси қарори билан 1998 йил 14 мартда ўтказилган республика кўрик-танловида қатнашишга тавсия этилди. Бу кўрик-танловда шарафли 2-ўринни эгаллаб, диплом ва компьютер билан мукофотланди.

Ваҳобжон ДАДАБОЕВ,
Андижон вилояти, Андижон тумани ҳокимлиги қошидаги қишлоқ хўжалик маҳсулотларини тайёрлаш ва сифати бўйича давлат назори

ҚЎТАРИЛАЁТГАН ҒАЛВИР

ЁКИ МИЛЛАТИМИЗ БОЙЛАРИ

Бир сўз билан айтганда, бозор иқтисоди ҳам тарихий, ҳам замонавий, ҳам келажакли жараёндир. Биз уни тарихдан ўрганиб, ўтмиш давлатчилигимиз ва бугунги илғор мамлакатларнинг тажрибаларига суяниб, бу тажрибаларни тараққий этган фантехника, тафаккур ғоялари билан чамбарчас боғлаб, тоза нафаслар билан янада тўлдира бориб, ҳаётимизни фаровонлаштиришга интиляпмиз. Бозор иқтисоди сиёсатининг ўлчаму мезонлари, имконияту талаблари ижтимоий-иқтисодий соҳаларнинг барчасини онгли равишда ўз измига олди. Назаримда, олти йилдан зиёд мустақиллик даврида аста-секин ҳаётимизга, турмуш тарзимизга, тафаккуримизга кириб келган бозор иқтисоди айни кунларда ўзининг илк хулоса-ҳукмини ўқиётгандай.

Ҳар ким ҳам, қандай одам бўлмасин, яхши яшашни, фаровон турмуш кечиришни, тўкин-сочинликни истайдики, ҳар фаслда, умрнинг давомида бу истак уни тарк этмайди. Ўта даражада бой бўлишни орзу қилмайдиганлар эҳтимол бордир, лекин меҳнат қилиш-қилмаслигидан, ким эканлигидан қатъи назар, ҳеч ким қашшоқликни орзу қилмайди. Халқимизда «Мол-дунёси етмиш пуштига етади» деган гапнинг шу пайтгача сақланиб келаётганлиги бежиз эмас. Ҳатто қизил истибдод даврида ҳам бу ифода кам ҳолларда бўлсада, ўзаро суҳбатларда қўлланилган. Шу билан бирга, ҳамма бой бўлаверса, унда ким ишлайди деган гап ҳам йўқ эмас, агар чин мулоҳаза, тиниқ тафаккур кўзи билан қаралса, бойлар аслида энг ишчан одамлардир, одам ўз-ўзидан бой бўлиб қолавермайди. Аввало, улар ҳар қандай ишни, ҳатто майда-чуйда хизматларни ҳам беками кўст, тез ва соз бажаришни биладилар, ҳар қандай билим ва кўникмаларни тез ўзлаштирадилар, ҳар бир ишдан, фикрдан, айтилаётган гапдан тўғри хулоса чиқарадилар. Бундай кишилар ўзи ёки биров бажараётган амаллар жараёнини ақл кўзи билан кузатади, иш муомаласини ўрганади, «Иш битди, топширик уддаланди» деб беўй кетавермайди. Унинг қандай, қай тарзда битганлиги (ёки битмаганлигини) фикран таҳлил қилади. Шу бонс нарвоннинг пиллапояларини кўради, куч топади, кўтарилади. Бунинг учун ҳам қўлини, ҳам ақлини ишлатишни билади, бора-бора ақл меҳнати уни қўл меҳнатидан озод қилади. Бу ерда яна шуни айтиб ўтиш керакки, аввалги меҳнат қилиш кўникмаси кўникмалигича унда сақланиб қолади, борди-ю, бирор сабаб билан у бутун бойлигидан айрилиб қолса ҳам, шу кўникма ва ақли боис яна бойийверади, ҳеч бўлмаса, боласига бойиш имкониятини яратиб кетади. Чунки унда бойликдан кўра бойиш тафаккури, иқтидори, билим ва натижали ҳаракат ҳамда бойликдан кузатилган ҳисобли мақсадлар мавжудки, бу ақлу фаросат ҳар кимда ҳам бўлавермайди. Демак, ҳақиқий бой мавжуд бойлиги билангина эмас, бойиш таланти билан бойдир. Мулкдорнинг боласига мулк билан бирга бойиш илми ҳам авлодий меросдир. Мулкдор шунга ҳаракат қилади, авлодининг фақат иқтисоди эмас, ақл томирлари бақувват бўлишини ўйлайди, мулкидан кўра ана шу томирнинг мустаҳкамлигидан қувонади, аксинча бўлса, ғайғу чекади.

Одатда, бойнинг бойлиги якка тартибдаги бойлик эмасдир. «Фалон корхонанинг эгаси», «фалон фирмаси бор» каби ифодаларда бежизлик йўқ. Бас, шундай экан, шубҳасиз, бу бойликка туташ бошқа кишилар, тақдирлар, расмийроқ ифодалаганда, жамоа ёки корхона аҳли бўлади. Энди юқорида биз қўллаётган «бой» деган атаманинг маъниси «раҳбар», «бошлиқ», «бошқарувчи» каби ифодаларда мужассамлашади. Табиийки, раҳбарлар ўз қўл остида меҳнат қилаётганлар учун, корхона учун масъулдирлар. Тўғри, бозор иқтисоди эркин бойиш имкониятини яратган. Лекин бу эркинлик ҳеч кимга бошбошдоқлик, зўравонлик, мулкни хоҳлаганча ўмариш ҳуқуқини бермайди. Эркин бойишнинг замирида ҳалоллик илдиз отмоғи, бойлик ана шу ҳаллоликка асосланмоғи даркор. Зеро, давлат ҳалол бойларга суянади, жамият ва халқ улардан манфаат кўради, уларнинг ҳиммати билан ҳатто оламу табиат яшнайди. Ҳар жабҳада юксалиш кузатилади. Юксак даражада ривожланган мамлакатлар ўз бойлари билан, бошқача қилиб айтганда, миллионерлари билан фахрланадилар. Чунки улар тараққиётни белгиловчи аниқ нишонлар, ҳар бири бир неча оилаларнинг иқтисодини юргизувчи, кишиларни иш билан таъминловчи, халқона ифодалаганда, кўпчиликнинг қозонини қайнатиб, элни нафлантириб турувчи, бир сўз билан айтсак, юртда оқиб турган дарёлардир.

Афсуски, ислоҳотлар даврида юртимиздаги ҳамма мулкдорлар ҳам бойишнинг ҳалол йўлини тутди деёлмаймиз, акс ҳолда, 1997 йил ҳисоби бўйича мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган 104 та қишлоқ хўжалик корхонаси санацияга киритилмаган, 144 та корхона банкрот деб эълон қилинмаган бўларди. Фикримизча, содир қилинган иқтисодий ҳуқуқбузарликлар масъул шахсларнинг етарлича ҳуқуқий билимга эга эмаслигидангина келиб чиққан дейиш унчалик тўғри бўлмас. Ривожланишга, меҳнат жамоаларининг манфаатларига хизмат қилиши зарур бўлган моддий манбаа айрим мансабдорларга осонгина бойиш учун текин хазина — сўроқсиз мулк бўлиб кўрингану турли баҳоналар билан қоғозлар расмийлаштирилиб — «қонунлаштирилиб» ёхуд «қонунни билмаганларидан» ноқонуний равишда давлат томонидан берилган кредитлар, хўжалик корхоналарига қарашли маблағ ва моддий бойликлар ўмарилаверган. Шу сабабли мабодо раҳбар ходим ишдан бўшатилса, у ушбу лавозимидан, халқ тили билан айтганда, «оларини олиб», янги бир корхона очишга «ўзидан» қурби етадиган бўлиб, силиққина чиқиб кетаверди, натижада санацияга учраган қишлоқ хўжалик корхонаси ўта ночор аҳволда ҳар томонлама «ўтириб» қолди. Ёхуд банкрот деб эълон қилинган корхонага давлат томонидан берилган кредит қумга тушган тангадек йўқ бўлиб, сингиб кетди. Ундан на корхона, на давлат, на жамоа аҳли фойда кўрди.

Рўй бераётган бу айрим ҳолатлар тўғри баҳоланиб, мамлакат раҳбарияти томонидан таҳлил қилиниб, тегишли чора-тадбирлар кўрилаётгани айни муддаодир. 1998 йил 4 апрел куни Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Хўжалик юритувчи субъектларнинг иқтисодий ночорлиги ва шартнома мажбуриятларининг бажарилиши учун мансабдор шахсларнинг жавобгарлигини кучайтириш тўғрисида»ги фармони бу ўзибўларчиликларнинг олдини олишга, раҳбар ходимларнинг жамият, давлат ва халқ олдида масъуллигини янада аниқ, жиддий қонунлаштиришга қаратилгандир. Хусусан, фармоннинг 2-бандида «Иқтисодий ҳуқуқбузарликларни содир қилган шахсларга нисбатан маъмурий жавобгарлик чоралари қўлласин. Хўжалик юритувчи субъектга етказилган мулкий зарарни айбдор мансабдор шахслар ҳисобидан қопласин», деб қатъий белгиланиши юқоридаги ҳуқуқбузарликларга чек қўяди, маблағларни тўғри сарфлашга йўналтиради.

Ўтиш даврида ўз-ўзини бошқаришга берилган имконни, эркин фаолият кўрсатиш ҳуқуқини суиистеъмол қилишларнинг оқибати ғалвир сувдан кўтарилаётганда кўриниб қолянти. Бунга баъзи амалдорларнинг фақат виждонига ҳавола қилинган синов давридан ўтолмай, нафс гирдобига тушиб қолганлигини кузатиб амин бўляпмиз. Табиийки, улар ихтиёрларидаги маблағларни тўғри, виждонан, ҳақиқий бойларча узоқни кўриб ишлатганларида бу маблағлар бир неча ҳисса кўпайган, ҳозир ҳисоби чиқарилаётган, улар ўзлаштирган мулк эҳтимол кўпроқ миқдорда ана шу мансабдорларнинг қонуний, ҳалол бойлиги бўлиб қоларди. Ахир худди шу оқилона ва тоза йўл билан бойиётганлар юртимизда талайгина. Айтиш мумкинки, ана шундай мулкдорларнинг фаолияти мустақиллигимизни мустаҳкамлашда мислсиз аҳамият касб этмоқда. Тарихий манбаларда, китобларда «миллатимиз бойлари» деган ифода кўп учрайди. Бу бирикма сақланиб қолмаган бўлсада, унга муштарак маънили «миллий банк», «миллий валюта» каби ифодалар мавжудки, булар «миллатнинг бойлари» деган сўзнинг руҳини маълум маънода бериб туради. Ўтмишда бу ифоданинг қадри ниҳоятда баланд бўлган, чунки бойлар ана шу қадрга лойиқ, ишнинг кўзини биладиган, ҳамманинг кўнглини оладиган, юртга зарари эмас, фойдаси тегадиган, бойиш тафаккурига эга бўлган инсонлар бўлган. Тайёрга айёрликка эмас, ҳалол мулк соҳиби бўлмоққа интилганлар, ҳамиша ўзларида масъулликни ҳис қилганлар. Юрт олдидаги одам эканликларини унутмаганлар, қадрларини билганлар, иймон-эътиқодлари қадрларидан-да юксак бўлган.

Бойишдан мақсад бойлик эмас, бойишдан мақсад — яшаш, кўнгилдагидек ҳаёт кечиришдир ва қўлингдан келса авлодингга ҳам шу яшаш имкониятини тагли-заминли, яъни ишончли қилиб яратмоқ, яна, имконинг кўтарса, бошқаларга ҳам яхшилик қилмоқдир. Тўғри, бу осон эмас, айнан шу боис ҳамма ҳам бой бўлавермайди ёки бойлиги узоққа бормайди. Зеро, ҳисобсиз гугурт йўқ деб халқимиз бежиз айтмаган...

Дилором ҚУЗИЖОН қизи

ТАРАҚҚИЁТДА ВОРИСЛИК

Фалсафий гурунг

Цивилизация — ҳар бир халқнинг ўзига хос тарихий-маданий ривожланиши, шаклланган қадриятлар, анъаналар, урф-одатлар, тафаккур тарзида намоён бўлади. Цивилизациялар хилма-хиллиги (Ж. Тойнби), яхлит цивилизациянинг йўқлиги тўғрисидаги (О. Шпенглер) қарашлар бу борада турли ёндошувлар борлигини кўрсатди.

Дунёнинг яхлитлиги унинг хилма-хиллигини инкор этмайди. Аксинча, ана шу турли хил маданият, дин, илм-фан ва адабиёт, санъат уни бойитади.

Ҳар бир халқнинг маданий ривожи тарихи такрорланмас хусусиятларга эга. «Ғарб» ёки «Шарқ» цивилизацияси, ҳинд, конфуцийчилик, буддавийлик, католик, протестант ва православ, мусулмон, негроафрика каби цивилизациялар ўзига хослиги билан бир-биридан ажралиб туради.

Дунё халқлари цивилизациясига фақат биргина омил билан тўғри ёндошиб бўлмайди. Бунда унинг моҳияти тўла англанмай қолади. Бундан ташқари цивилизациялар тадрижийлигига қандайдир маданиятлар алмашинувининг натижаси сифатида ёндошиш, у ёки бу цивилизациянинг кўриниши, унинг бошланиши ва охири бор (Ш. Фуре, О. Шпенглер) деб қараш ҳам дунё ривожланишининг узлуксизлик, тадрижий ривожланиш, ворисийлик қонуни мантиқига тўғри келмайди.

Цивилизациялар ўзгаришининг табиий сабаблари мавжуд. Аммо, цивилизациялар ўртасида яхлитлик, ҳамжиҳатлик тўлалигича қарор топганича йўқ. Дунёда манфаатларни турлича англаш даражаси, унинг муайян даражада сиёсийлашганлиги, мафкуравий омиллар, турли халқлар, маданиятларнинг ўзаро алоқасига, ўзига хослигига салбий таъсирини кўрсатмоқда. Цивилизациялар кўп ҳолларда ички ва ташқи ўзаро низолар, курашлар, бўлинишлар, тахт талашишлар, манфаатлар тўқнашувининг таъсирига учраган. Бу оқибатда халқлар ҳаётига, тарихий-маданий ривожидаги ворисийликнинг бузилишига, шаклланган айрим маданиятларни астасекин таназзулга юз тутиб, унинг ўрнига бошқача маданиятнинг кириб келишига ва шаклланишига сабаб бўлган.

Масалан, Осиёча ишлаб чиқариш усулининг ўзгариши, жамиятлар ривожи тарихини номаърифий асосда, уни формацион талқин этиш, моддий ишлаб чиқариш усулини жамият ривожининг асосига қўйиш ҳам цивилизациялар тарихий-маданий босқичларини оддий бир ҳолатга тушишига сабабдир. Натижада дунё цивилизацияси бешта ижтимоий-иқтисодий ривожланиш босқичидан иборат қилиб қўйилди. Формациялар алмашуви, социал революциялар тўғрисидаги номаърифий концепциялар яратилди. Айрим шахслар ақл-заковати туфайли ишлаб чиқилган ғоялар орқали дунёни бир хил идрок этиш шаклланди, ривожланишдаги хилма-хиллик қонуни бузилди.

Тараққиётда айрим халқларнинг илгарилаб кетганлиги, айримларининг эса ҳозирча орқада қолганлиги, баъзи давлатларнинг тақдири тўғрисида ўйлар эканмиз, унинг сабабларини албатта моддийликдан ахтариш анъанаси асосида, андоза ёхуд парадигма доирасида муаммога тўлиқ жавоб топа олмаслигимиз аён бўлиб қолди.

Мисол учун, Бобил, Шумер, Эллин, Ғарбий Румо, Византия, Мўғул, Усмонли Турк, Португалия, Испания, Зулусия, Наполеон Франциясиси, Буюк Британия, Россия, Гитлер Германияси ва ниҳоят собиқ Совет Иттифоқи каби улкан империяларнинг навбатма-навбат, бири узоқроқ ва бири эса қисқа вақт яшаб, барбод бўлганлигини яхши биламиз. Лекин, бунинг туб сабаби тўғрисида сўз юритилса, одатдагидек, тағин уни моддий ва табиий омиллар билан боғлашга мойиллик сезамиз. Аммо, муаммога кенгроқ, ёки холисона ёндошилса, бундай феноменнинг сабаблари социум мавжудлигининг бошқа тўқималарида ҳам «ширириб» ётганлигини англаш унчалик қийин эмас.

Юқорида номлари келтирилган, бугун тарихга айланган империялар ёхуд протоимперияларнинг барчасига кўпэлатлилик, тарихий, маданий тафаккур тарзи ва оламни англаш формулалари бир-биридан баъзан кескин фарқ қилувчи халқларнинг зўравонликка асосланган тизими, марказ ва чекка ўлкалар ўртасидаги муносабатларда тенгсизлик ва камситишга, эрксизлик ва тобеликка асосланганлиги, мажбурий ҳудудий-маъмурий умумийлик, муносабатларнинг бешафқат «ҳукмрон-тобелик» тамойилига асосланганлиги, ирқий-миллий камситиш, айрим этноснинг улуғликка даъвогарлик қилиши, маънавий парокандалик ва ниҳоят сохта ташқи дабдаба синдроми каби хусусиятларга эга бўлган. Худди ана шу салбий анъаналар ва жараёнлар тизими уларни таназзулга учратган. Бундан чиқадиган асосий хулоса шуки, умрбоқийлик устувор даражада муайян социумга хос тарихий, маданий, маънавий ва психологик уйғунлик билан боғлиқ. Демак, давлатни, унинг умрбоқийлигини битмас-туганмас бойлик, бепоён ҳудуд, сон-саноқсиз аскар ва қурол ёки миллионлаб аҳоли эмас, балки ҳокимият ва фуқаролар ҳамда шу ҳудудда истиқомат қилаётган халқларнинг ўзаро муносабатларини белгилаб турувчи тарихий, маданий, маънавий ва психологик ҳамжиҳатлик таъминлаб туради.

Бугунги дунёда янгича муносабатлар туғилмоқда. Цивилизацияларни янгича таҳлил этишга заурат ошди: а) дунё турли хил цивилизациялар занжиридан иборат; б) занжир ҳалқалар бир-бирига чамбарчас боғлиқ; в) бунда ҳар бир халқнинг ўз ўрни бор ва ҳар бир халқ цивилизациялар ривожига ўз маданияти билан у ёки бу даражада ҳисса қўшади.

2 МИЛЛИЙ ТИКЛАНИ

ИРОДА МАЪРИФАТИ

Яхшиларни ёд этиш, устозлар ҳурматини ўз ўрнига қўйиш оқибатли одамларга хос фазилат. Профессор ҳожи Ғайбуллоҳ ас-Салом эса эъзозлаган устозларининг оқ фотиҳасини олган қобил шогирд ва ўзи ҳам улар йўлидан бораётган бағри кенг устоз бўлиб танилди.

Домлада олимлик (билимдонлик) иқтидори билан бирга камтарлик ва самимий инсонлик хислатлари қулф уриб туради. Сабаби у киши ҳеч вақт ўзи қилган ишлари билан мақтанмайди. Аксинча, яна кўпроқ нарса ёзиб улгуришга ҳаракат қилади. Одамлар билан муомалада ҳамма билан тенг туриб гаплашади. Каттага каттадай, кичикка кичикдай. Болага хос маъсумлик, ишонувчанлик, беғуборлик хислатларини йўқотмаган. Кўп нарса ўқиганлиги, теран фикрлари боис гоҳида ўзингизни у киши олдида ноқулай сезишингизни айтмаса, ҳаммаси рисоладагидек. Ғайбуллоҳ аканинг хонадонига ташриф буюрган талабадан тортиб таниқли шоир, ёзувчи, олим ва давлат арбоби-ю, чет эллик меҳмонларгача битта меҳмонхонада ўтириб дили яйраб қайтади. Ҳаммага бир хил ҳурмат, бирдай мулозамат ва илтифот... унинг самимийлигидан.

У кучли сабр-бардош эгаси, нафсни тизгинлаб олган қаноатли, одамлар кўнглини ниҳоятда нозик англаб етадиган зукко шахс. Домлайи киром қатнашган ҳар қандай илмий йиғин ўта баҳсли, мароқли, шунингдек, муросали ўтади. Чунки масаланинг моҳиятига етиб бориш, мусоҳибни диққат билан тинглаш, бир кишининг фикрига бошқаларнинг муносабатини чуқур мулоҳаза билан охиригача қузатиш, сўнгра уларнинг фикрларини жамлаб, келиштириб, ўзанга йўналтириш учун ҳам кучли мушоҳада, қувваи ҳофиза, ўта теранлик зарур. Кўп тармоқли адабиётшуносликнинг ривожига салмоқли ҳиссасини қўшиб келаётган бу олим ана шундай эзгу ишларга қодир. Унинг ўзига хос кучли фалсафаси мавжуд. «Барча касб соҳасидаги одамларни бир-биридан узоқлаштирмаслик керак, аксинча, уларни ўзаро яқинлаштириш лозим», дейди олим. Шу боис қиёсий типология, адабиёт назарияси, адабий ва лисоний услубиёт, бошқаларнинг, фонетика баҳсларида ҳам ўзининг тансиқ қузатиши ва фикрини айта олади. Таржимонни қомусий ижодкор, таржима санъатини эса қомусий илм деб ҳисоблайди.

Истиқлол шарофати билан равнақ топаётган миллий маънавиятимизга ўзининг муносиб улушини қўшаётган ишчан, фаол, сермаҳсул, фидойи устоз зиёлилардан бири раҳбарлигида камол топиб, бугунги кунда юртимизга хизмат қилаётган кўплаб шогирдлари бор.

Қуёш борлиққа нур сочиб жонли ҳаёт ато этганидек, бу заҳматкаш олим ҳам эл-юрти, ватани, халқи учун хизмат йўлида тиниб-тинчимайди. Зеро, асрлар давомида, ҳа, неча йиллардан буён орзу қилинган ватанимизнинг мустақиллиги уни янада қатъият, илҳом билан ишлаб, улуғ устозлар йўлидан бориб, кўплаб шогирдларнинг қўлидан етаклашга ундайди. Кейинги бир-икки йил нари-берисида нашр этилган беш китоб: «Армон», «Толибнома», «Жаҳонгашта «Бобурнома», куллиёт туркумидан «Эй умри азиз» (1-жилд), «Эзгуликка чоғлан, одамзод», (2-жилд) ҳамда ҳозир чоп этилаётган «Ҳалоллик бозорда сотилмайди», «Ё Ҳабибулло!» домланинг ғайрат-шижоати ҳавас қиларли даражада эканлигига ёрқин кафолатдир. Бунинг устига Республика Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши Академиясида, Мирзо Улуғбек номидаги Тошкент давлат дорилфунунида ва бошқа олийгоҳларда олиб борилаётган дарслар, машғулотлар, узлуксиз ўтказиб турилган учрашув, баҳслар... Академия ва университетда Катта илмий кенгашлар, икки ихтисослашган докторлик илмий кенгаш аъзоси сифатида олиб борилаётган ишлар... Матбуот, радио, телевидение саҳнида чирсиллаб турган долзарб мавзуларда бот-бот чиқиб туришлар... Мақолалар, маърузалар, шеърлар...

Тўғрисини айтганда, бундай залворли суръат ва босимга надирки кекса киши, ман-ман деган бўзбола олим ҳам дош беролмайди. Домла қандай «махсус услубиёт» билан ишлайдики, ҳамма нарсага улгуради. Бунинг сири нимада? Ажабланарли жойи шундаки, унга ўз ўқувчилари ва шогирдлари ҳайратланиб, офарин айтишганда, ўзи ўзидан норози эканлигини изҳор этади. Мабодо жилмайганингизни пайқаб қолса, кўнглига оғир олади.

— Ишларим чакки эмас, шукур, — дейди у. — Афсуски, вақт шиддатидан, мўлжалдан, режадан ортда қолаяпман. Улгуролмаяпман...

Илмий-ижодий иш руҳий жараён. Кайфият, илҳом керак. Олимнинг ўзига босимни муттасил ошириб бориши, суръатни тобора тезлаштираётгани, шошилаётгани сирини фақат ўзи билади. Бизга аён бўлгани шуки, киши кексая бошлаганида сарфлаши учун ёшлик чоғида, жуда катта илм заҳирасини тўплаб олган бўлиши лозим. Суръат ва тезкорлик, ўзини қийнаш, ўз-ўзига шафқатсиз бўлиши шундан бўлса керакки, у ўзини илмда ва ижодда намоён этиш орқали ўзидан «ўч» олади. Гўё «ожизлигини» енгади. Ўзини ёқиб, атрофга нур таратади. Ижод унинг учун ўзига хос изҳори дил. Бошқаларни ёндириш учун ўзининг ёнишинг керак, — иқрор бўлади у суҳбат чоғида.

...Домланинг эскидан қолган баъзи бир «хурмача» қиликлари ҳам бор. Бир куни у ректор Алишер Азизхўжаев қабулига киради.

— Алишер Аббосович, — деди у. — Биламан, агар бир киши уч кун хизматга келмай қўйса, сўзсиз ишдан бўшатилади. Талаб, интизом, рисола шундай. Мен бўлсам ўн саккиз кун ҳеч қандай расмий ижозатсиз ишга келмадим. Ҳойнаҳой бўшатиб юборилгандирман. Хижолатчиликка, гина-кудуратга ҳеч қандай ўрин йўқ. Кетиш ҳақида ўз қўлим билан ариза ёзиб бераман.

Бундай бетакаллуф муомала ректорга ёқди.

— Қаерда эдингиз тақсир?

— Намангданнинг Уйчисида.

— Уйчи? ... Нима гап?

— Ўша ерда Неъматуллоҳ Отажонов деган бир профессор шогирдим бор...

— Хўш? Касал бўлиб қолибдими?

— Йўғ-е. Ўн саккиз кун ичида 362 бетлик яхши бир китоб ёзиб, компютердан чиқаздик. «Жаҳонгашта «Бобурнома» деган. Бирон ойлар ичида босилиб чиқади.

— Қани?

— Мана...

Ректор ишни варақлай бошлади: шиғ-шиғ-шиғ...

— Ҳим, «Жаҳонгашга «Бобурнома»ни ёзиш учун жаҳонгашта бўлиб кетиш керак экан-да, а?

Домла бу луқмага ўйламай жавоб қиладилар:

— Шундай! Буюринг, нима қилай?

Ректор кулади.

— Нимани нима қиласиз?

— Аризани айтяпман-да.

— Қанақа — «ариза»?! Ҳаа, дарвоқе, 362 бетлик маълумотнома — «справка» олиб келибсиз-ку... Ҳозир қандай юмушингиз бор?

— Пастда, катта дарсхонада илмий жамоа ва тингловчилар билан учрашув...»Толибнома» китобининг тақдимаси бўладиган эди.

— Ундай бўлса сизга жавоб. Учрашувга кечикиб борманг.

Домла не кўз билан кўрсинларки, ҳали баҳс-мунозара бошланмай туриб, хонага... ректорнинг ўзлари етиб келадилар. Биринчи бўлиб сўз бошлайдилар:

— Қани, жаноб домлалар ва тингловчилар, айтингларчи, агар бир изматчи ўн саккиз кун хизматга келмаса, уни нима қилиш керак?

Барча ҳанг-манг бўлиб қолади.

— Мана бу аллома Академиямизнинг профессори Ғайбуллоҳ ас-Салом бўладилар. У киши ўн саккиз кун давомида 362 саҳифалик салмоқдор монография ёзиб келибдилар.

Бунинг устига оқсоқол ўзларига жазо берилишини сўраяптилар...

Одамларни ҳаяжон босди. Ректор устозни қучоқлаб олди.

Домла эса аранг пичирлаб, нуқул бир жумлани такрорларди:

— Менга мумкин эмас... Менга мумкин эмас...

Ажаб, нима «мумкин эмас»? Ҳа, домла фавқулодда қаттиқ хурсанд бўлишдан қўрқади!

Кичик бир тафсилот шуки, орадан бир йил ўтгач, ўша «Жаҳонгашта «Бобурнома» асари учун мавлоно Ғайбуллоҳ ас-Салом билан содиқ шогирди профессор Неъматуллоҳ Отажонга Бобур Мирзо номидаги Халқаро жамғарма мукофоти унвони насиб этди.

Ҳар кишининг ўз ёзиғи бор, дейдилар. Ғайбуллоҳ ас-Саломнинг ҳаёт йўли сермашаққат. Лекин у бундан ҳеч қачон нолимайди. Шукроналик туйғуси, ҳокисорлик, висол илинжи уни ҳеч қачон тарк этмайди. Ўткир қалами, теран фикри, мураккаб, тиниқ услуби билан маънавиятимизни бойитишга ҳисса қўшаётганидан фахрланади. Уни ҳеч нарса илмдан, ижоддан тўхтата олмайди.

Устоз билан бўлган суҳбатларда гоҳида сўрайман:

— Домла, кучли олим бўлиш учун нима керак?

— Бўтам, бунда, аввало, камсуқум, бағри кенг инсон бўлмоқ даркор. Кўзинг доим ўқиб, бошинг фикрлаб, қўлинг ёзиб турмоғи лозим. Яна бири сабр-бардош...

— Ўтган умрингизга ачинасизми?

— Йўқ, чироғим, асло. Худога шукур, умрим бесамар ўтмади. Ҳаётда кўп яхши одамларни кўрдим. Ўзим ҳам нималардир қилишга интилиб яшадим. Вақт олий ҳакам.

— Меҳнатингизнинг тақдирланиши Сизни қониқтирадими?

— Имон — эътиқодли, ўз касбининг фидойиси бўлиш учун ҳеч вақт шухрат кетидан чопмаслик, тор манфаат учун изланмаслик керак. Агар сен ҳалол меҳнат қилсанг, одамлар сени ўзи излаб топади. Халқ йўқловига сазовор бўлиш эса инсон учун катта бахт.

— Иқтисодингиз масаласи қандай? Тирикчилик?

— Ўзига яраша. Шу кунда нолиб, оҳ-воҳ қилиш бизга ярашмайди. Бировни кўриб — фикр қиласан, бировни кўриб — зикр қиласан, бировни кўриб — шукур қиласан одам. Ёмон эмас. Ҳар бир бандасининг ризқини Яратганнинг ўзи беради. Бойлик масаласига келсак... Мендан бой одам бўлмаса керак. Фарзандларим қаторида кўрадиган шогирдларим, китобларим, рисолаларим, мақолаларим, шеър ва ҳикояларим менинг бойлигим-да.

Шукурлар бўлсинким, у биз билан бирга замондош, сафдош, елкадош, Ўз сўзлари билан айтганда — «қимирлаб юрибди»... Аммо кўрганмисиз унинг кўчада бора туриб, бехосдан ўтириб қолганини? Кўрганмисиз ногаҳонда кўнгли бузилиб, йиғлаб юборганини? Аламли айтар сўзини тополмай, энтикиб қолганини? Одамлар бир-бирларига нописанд бўлиб кетганларида, бетга чопарлик қилганларида, юзларига туҳмат чаплаётганларида, бир-бирларига чоҳ қазиётганларида унинг кўзларига қараганмисиз?

Устозни қалб амри билан аллома, устоз деб биладиган мухлислари, ўқувчилари жуда кўп. Бунчалик эътироф ва эъзозга эришган инсон бахтиёр. Илоҳим, доим уни ҳаракатда, хайрли тафаккур оғушида, ижодий бердорликда кўрайлик.

Эшмуҳаммад ҚОДИРОВ,
филология фанлари номзоди

ТОЙЧОҚНИ ТОК УРДИ

Бу ёруғ дунё яралибдики, эзгулик, мурувват, сахийлик бор жойда, афсуски, разиллик, қабоҳат, ваҳшийлик ва ичиқоралик ҳам учраб туради. «Нур борки — соя бор», деганларидек.

Нафси ўпқон янглиғ, тўймас, назари оч кимсалар бойликни деб, билиб-билмай разолат ва қабоҳатнинг ёвуз чангалига тушадилар, бойликнинг қулига айланадилар, тубсиз ботқоққа ботадилар.

Лоқайдлик, бепарволик, ахмоқлик каби жирканч иллатлар кези келса, инсон умрининг гулдек бевақт сўлишига сабабчи бўлади. Тентакнинг қилмишини қаранг, бўлим қоровули ўрик дарахтларига ток улайди. Ўзича ўғрилардан ўрикни ҳимоя қилади. Аброржон ҳали ёш ўсмир-да... Тузоқнинг нималигини қайдан билсин?

Қишлоқ одамларининг дилида нимадир узилгандек бўлди. Отасининг дард ила бўзлаши қалбимни ларзага солди.

— Гўдак кўзида ёш кўриш фожиа, йигит кўзида ёш кўриш уч карра фожиадир», — деган эди севимли шоиримиз Абдулла Орипов. Катталар, ҳар қанча бўлганда ҳам, болалар йўлига тузоқ қўйманг. Болаларни кўрқитаман деб, уларни майиб-мажруҳ қилманг, ғунчадек умрларига завол бўлманг.

Эркин ҲАЁНБОЙ ўғли

МОКИНИНГ УЧИ НЕГА ЭГРИ?

Ёки Ҳазрати Имло тўғрисидаги ривоятлар

Сулолашунослик

Ривоят қилишларича, улуғ Шайх Саййид Мири Кулолнинг бир юзу ўн тўрт халфаси бўлган экан. Уларнинг энг улуғларидан бири Хўжа Баҳоуддин Нақшбанд эканлар. Ҳазрат Баҳоуддин бир кун пирларидан ўзларига оқ фотиҳа беришни илтимос қилибдилар. Шунда Мири Кулол:

— Эй, фарзанд, камина сизни мустақил йўлга киришингизни интизорлик ила кутмоқда эдим, - дебдилар. — Бунинг учун сиз аввал Ҳазрати Имло ҳузурларига бориб, ул муборак зотнинг дуоларини олмоғингиз даркор.

Ўша кезлар эшони Имло ҳозирги Қизилтепа туманидаги Эмакти қўрғони ёнидаги муборак қадамжода макон қуриб, дўконбофлик қилгандилар. Тўқиган матолари эвазига ниҳоятда фақирона кун кечирганлар. Шу боис Баҳоуддин ҳақир ва юпун эшоннинг каромат соҳиби эканлигига кўнгилларига андак шубҳа оралайди. Бу ҳол ҳазрати Имлога аён бўлади. Баҳоуддинни илтифот ила қабул айласалар ҳам, дуо қилишдан олдин у кишига бир неча юмуш буюрадилар. Аввало, икки дона қовун уруғи узатиб, бирор ерга экишни сўрайдилар. Баҳоуддин уруғларни тупроққа кўмиб, қайтиб киргач, эшон:

— Ўғлим, боринг, икки дона қавун узиб келинг, дейдилар. Ҳазрат Баҳоуддин ҳайратга тушадилар. Эшон:

— Ҳайрон бўлманг, болам, эккан уруғларингиз палак ёйиб, қовун солмиш. Узиб келгайсиз, - дейдилар.

Ҳазрат Баҳоуддин чиқиб қарасалар, ростданам боғгина тупроққа кўмган уруғлари палак ёйиб, қовун етилганмиш. Қовунларни узиб олиб кирдилар. Ҳазрати Имло янада мураккаброқ топшириқ берадилар:

— Энди Бухорога бориб, ўзингизни минорадан ташласангиз, мақсадга етурсиз.

Ҳазрат Баҳоуддин устозлари Саййид Мири Кулол олдига келиб, бор воқеани баён этадилар.

— Сезгандим буни, - дейди Пир. — эшони Имлонинг гапларини икки қилмоқ ножоиз, калимангизни ўгириб, минорадан ташлашингиз лозим кўринмоқда.

Ҳазрат Баҳоуддин ўзларини минорадан ташлайдилар. У кишининг ерга учиб тушаётганлари мато тўқиб ўтирган эшони Имло кўз ўнгиларида намоён бўлади. Ҳазрат Дўкон мокисини Баҳоуддин томонга узатадилар. Моки чўзилиб, ул зотнинг қўйлаклари ёқасига илинади. Эшон мокини ўзлари томон тортадилар. Шу чоқ моки учи эгилиб, Ҳазрат Баҳоуддин Қасри Орифон қишлоғида эсон-омон ерга тушадилар. Борди-ю мокининг учи қайрилмаганида эди, Баҳоуддин ҳазратлари эшони Имло истиқомат қилаётган Эмакти қўрғонига келиб тушарканлар. Ўшанда Қасри Орифон эмас, Эмакти бутун оламга машҳур бўлиб кетаркан.

Бироз фурсатдан сўнг Хўжа Баҳоуддин ҳазрати Имло ҳузурларига қайтадилар. Имло ҳазратлари у кишини дуо қилиб, Мири Кулол ёнларига жўнатадилар. Ўз навбатида Мири Кулол ҳам ҳазрат Баҳоуддинга тариқат йўлларини ўргата туриб, бир оёқда қирқ кун чилла ўтиришни буюрадилар. Ҳазрат Баҳоуддин шайтон васвасасига кириб ўттиз тўққизинчи куни кўтариб турган оёқларини ерга қўядилар. Шунда Мири Кулол:

— Шайтон васвасасига учмай яна бир кун бардош берганингизда «қазогардон» бўлардингиз, энди эса «балогардон» бўлдингиз, халос, - дея дуо айлаган эканлар.

Бу ривоятда тилга олинган Эмакти қўрғони Варозундаги Шайхон, Нўбало, Работигарди, Харатон, Синжамитон қишлоқларига яқин жойда жойлашган бўлиб, қадимда етти пахсалик девор билан ўралган тепалик устидаги бу қўрғонда йигирма-ўттиз оила яшаган экан. Ҳаммадан сўнг 1951 йилда Тўйқул Гадоев деган киши оиласи билан қўрғондан пастга — деҳқончилик учун қулай жойга кўчиб ўтган.

Айтадиларки, аввалдан Эмакти қўрғонида учта қудуқ бўлган. Ҳозир ҳам 13 метр чуқурликдаги битта қудуқ ва «кексайиб қолган» тут дарахти мавжуд.

Айтишларича, қўрғондаги қудуқлар хислати бўлганмиш. Ҳатто қудуқлардан биттасига фарзанд кўрмаган аёллар сиғинишар эканлар. Бошига кўрпа ёпиб қудуққа қараган аёл кўзига мабодо бешик кўринса,фарзанд кўрар, борди-ю аёл кўзига қора булутлар кўринса, у оналик бахтидан бенасиб бўларкан.

Қўрғоннинг энг баланд жойида тикланган машҳур Сарнигун мачити 1939 йили қизил империя гумашталари томонидан бузиб ташланган. Ана шу мачит билан боғлиқ икки ривоят мавжуд.

Қадим-қадимда Эмакти қўрғонида мачит тиклашга киришадилар. Усталар кундузи мачит устунларини тиклаб, оқшом уйқуга кетадилар. Бироқ, эрталаб ишга келиб мачит устунларини тескари, яъни тўнтарилган ҳолда кўрадилар. Бу сирли ҳол уч кун такрорланади. Ниҳоят жамоа маслаҳатлашиб устунларни шу ҳолда қолдириб, мачит қурилишини ниҳоясига етказишга аҳд қиладилар. Шу боисдан мачит «Сарнигун» деб аталади. («Сарнигун» - тўнтарилган, остин-устун, боши қуйи деган маъноларни билдиради).

Иккинчи бир ривоятда эса Сарнигун довруғи Макка-ю Мадинагача бориб етгани айтилади. Зармитонлик бир ошпаз асримиз бошларида ҳажга борса, у ердагилар ошпаздан:

— Сарнигун мачитини кўрганмисиз? - деб сўраган, меҳмоннинг «йўқ» деган жавобини эшитгач эса: - Сарнигунни зиёрат қилиш Маккатуллоҳ зиёратидан кам эмас-ку? - дея афсусланган эмишлар.

Яна эшони Имло ҳақларидаги ривоятларидан Эмакти қўрғони билан боғлиқ бирини диққатингизга ҳавола этамиз.

Эмакти қўрғони кунботарида ҳазрати Имлонинг кичкинагина ҳужралари бўлиб, ул зот шу жойдаги дўконларида мато тўқиганлар. Кўп ҳолларда ёлғиз ўзлари ўн-ўн беш дўконбоф ишини уддалаганлар. Тўқиган матоларини аксар ҳолларда бева-бечараларга текинга бериб юборганлар. Эшон бобо харид қилмоқ ниятида келганлардан пул олмас, шунда харидорлар Имло ҳазратларининг ҳужрадаги халталарига битта-яримта нон ташлаб кетарканлар.

Эшон Имло кўп гапни хуш кўрмас, мудом бўз тўқиш билан банд бўлган ҳолда:

«Хоҳ нег куне ҳам баҳуд,
Хоҳ бад куне ҳам баҳуд»

деган байтни кўп такрорлар эканлар.

(Мазмуни: «***Яхшилик қилсанг ҳам ўзингга, Ёмонлик қилсанг ҳам ўзингга»***)

Бир аёл Имло ҳазратларига ҳасад қилиб, у кишига заҳар қўшиб пиширилган кулча нон олиб борибди. Ҳазрат ҳар галгидек нонни халтага солиб, аёлга бўз бериб юборибдилар.

Орадан икки кун ўтгач, бир ёш бола дўконга келиб, Имло ҳазратларидан нон сўрабди.

— Ана нон, халтада, болам, истаганча олаверинг,- дебдилар ҳазрати Имло ишларида давом этиб. Қарангки, қувонганидан боши осмонга етган бола билмасдан халтадан ўз онаси заҳар қўшиб пиширган кулча нонни олиб еган экан.

Эмакти қўрғони атрофида Хўжа Аъламбардор, Тахтбахок, Гадойтопмас, Хўжааспгардон, Хазрати Имло деб аталувчи қабристонлар бор. Ҳазрати Имло қабристонига эшони Имлонинг жасадлари қўйилган. Ул зотнинг қабрлари синжамитонлик Раҳмат бобо Шодиев ҳиммати билан таъмирланган.

ИЛОВА: Тарихчи Носириддин тўра ибн амир Музаффар ал-Ханифий ал-Бухорийнинг «Туҳфат аз-зоирин» («Зиёратчиларга туҳфа») китобида эшони Имло ҳижрий 1162 йил (милодий 1749)да 63 ёшларида дунёдан ўтганлар деб кўрсатилган. Москвалик олима О.А.Сухареванинг тадқиқотларига қараганда, Бухорода эшони Имло қабрлари ва ул зот номлари билан аталувчи маҳалла ҳам бўлган. Бухороликлар ҳазратни «авлиёйи охир замон» деб ҳисоблаган эмишлар.

Умид САТТОРОВ,
Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси аъзоси

Бугун турли цивилизациялар ривожининг асосида ўзаро ҳамжиҳатлик, ҳамкорлик қонуниятлари янгича мазмун касб эта бошлади. Қандайдир «инқилобий тўнтаришлар» маърифий ривожланиш қонунига зиддир. Цивилизациялар бир-бирини ўзаро бойитиши муҳим. Дунёдаги ҳар бир халқ ўзига хос ноёб ақл-заковатга эга бўлган тенгсиз ҳодиса. Ундан дунё тараққиёти мақсадларида фойдаланишнинг даражаси ҳар хил бўлиб қолмоқда. Ўзаро фикрлар, ўзига хос хусусиятларни инкор этмаган ҳолда, уларни устун қўйиш фалсафаси бир томонламадир. Улар бир-бирини бойитиши, ўзаро ҳамжиҳатлик, ҳамкорлик орқали, бир-бирига, дунё цивилизациясининг ривожига хизмат қилиши муҳим. Бу билан, масалан, Шарқ ва Ғарб ўзига, хослигини йўқотмайди, аксинча, уни сақлаб қолган ҳолда дунё маданиятини бойитади. Бугунги дунё маънавий омилларга кўпроқ эҳтиёж сезаётган бир даврда Шарқдаги умуминсоний ахлоқ бмаърифий-маданий анъаналарни ўрганиш Ғарбни янада бойитади ёки Ғарбдаги илғор техника ва технологияда ўзаро ҳамкорлик қилиш цивилизациялар ривожига холисона хизмат қилиши табиий.

Янги аср бўсағасида дунё тараққиёти ва барқарорлиги ҳамда турли халқлар маданий ривожи, ўзига хослигини сақлаб қолишга таҳдидлар мавжуд. Уни ўзаро низолар йўли билан эмас, маърифий, маданий омиллар билан ҳал этиш, уларни сақлаб қолиш ва тараққиётини таъминлашнинг муҳим кафолатидир. Цивилизацияларнинг турли босқичида турган халқларнинг маданий ҳаёт тарзига ҳурмат билан қараш, ўзаро манфаатли ҳамкорлик, шерикчилик муносабатларини ўрнатиш орқали ривожланишига мадад бериш, дунё ривожланишининг маърифий асосга қўйилганлигидан далолат беради.

Дунё халқларининг маърифий ривожланиши ва ҳамкорлик йўли «зўравонлик», «таъсир кўрсатиш», «ўз таъсир доирасига тушириш» халқлар ва миллатлар ривожига «писандсизлик» билан муносабатда бўлишларини инкор этади. Маърифий ривожланиш ва ўзаро ҳамкорлик халқлар ҳаётида эркинлик, демократия, мустақил тараққиёт каби умуминсоний тамойиллар ва қадриятлар билан мос тушади. Цивилизацияларнинг маърифий ривожланиши, ҳар бир халқнинг эркин ривожланишига, цивилизацияларнинг барқарорлигига хизмат қилади.

Халқлар, миллатларнинг ўзлигини англаш даражаси билан цивилизация ривожи ўртасида узвий боғлиқлик мавжуд. Миллат ўзини қанча юқори даражада англаса, цивилизациянинг ривожига, уни ҳар хил нохуш ички ва ташқи сабаблардан сақлашга, ўзлигини асрашга муҳим омил бўлиб хизмат қилади. Ўзлигидан узоқ уни англамаган халқлар, миллатлар ўзлигини йўқолишига сабаб бўладиган турли хил таъсирларга ҳам бефарқ бўлиши, лоқайдлик билан қарашлари мумкин. Бу эса ўз навбатида цивилизация ривожига салбий таъсир кўрсатади.

Цивилизациялар бир-биридан мутлақо ажралган ҳолда яшай олмайди. Айниқса, ҳозирги замон фан-техника имкониятлари, ривожланган ахборот тизими ва замонавий инфраструктура халқларни бир-бирлари билан кўпроқ мулоқот қилиш, ўзаро ҳамкорликларини кенгайтиради. Фақат ундан ақлга мувофиқ, оқилона фойдаланиш цивилизациялар ривожига самарали таъсир кўрсатади.

Агар «цивилизация»нинг луғавий маъносига нисбатан олсак у инсонларга хос маърифий яшаш ва ўзаро муносабатлар тизимини яратиш деган маънони ҳам беради. Жумладан, инсоннинг ижтимоийлашув жараёнига киришини ҳам ушбу ўзгариш билан боғлаш тўғри бўлади.

Ҳар бир алоҳида социумга хос (у минтақавий даражада бўлиши ҳам мумкин) цивилизациянинг тараққиёт босқичларини, иккинчи бир цивилизация айнан такрорламайди. Ўз цивилизацияси доирасида маълум ютуқларни қўлга киритган халққа хос бўлган тарихий-маданий тизимга таяниб, иккинчи бир халққа муносабат билдириш самарасиздир. Зеро, муайян цивилизация доирасида турли халқларнинг босиб ўтган йўли ва унинг босқичлари ўзига хос ва мос бўлиб, бошқа халқлар учун ягона модел бўла олмайди.

XXI аср бўсағасида дунёга формацион қараш ҳамда «социалистик», «капиталистик» ва учинчи дунё мамлакатларига ажратиш ўз кучини йўқотди. Дунёни асосан сиёсий ва мафкуравий доминантлар асосида бир-бирига қарама-қарши қилиб, турли «изм»ларга, тизимларга бўлиб ташлаш дунё яхлитлигига, ўзаро манфаатлар нуқтаи назаридан ҳам бесамар амалиёт эканлиги исботланди.

Бугунги кунда, дунё тараққиёти бундай андозалар доирасида кеча олмаслиги ҳаммага аён бўлиб қолдики, эндиликда дунёнинг барқарорлиги, манфаатлари ҳамда айрим давлатларнинг ўзига мос йўлдан ривожланиши, истиқболни маърифий таъминлашга қодир бўлган усул ва йўллари ҳақида кўпроқ ўйлашга тўғри келмоқда.

Фикримизни мухтасар қилиб, қуйидагиларни алоҳида таъкидлашни лозим топдик.

Биринчидан, олам мавжудлиги ва ранг-баранглиги, айрим социумларда барқарорлик ҳамда ривожланишнинг мувозанати, унинг ички мотив ва омиллари тизими, ҳаракат механизми билан боғлиқ. Муаммоларга аниқлик киритиш манфаатлари нуқтаи назаридан келиб чиқсак, яқин кунларгача жаҳон фалсафасига ҳукмронлик даъво қилган тарихга материалистик ёндашув, унинг замирида шаклланган формацион қарашнинг методологик асос сифатида эскириб қолганлиги ва ўз даврини тугатганлиги аниқ бўлиб қолди;

Иккинчидан, эндиликда дунёнинг яхлитлиги, хавф-хатарсиз ривожланиши ва истиқболини эътиборга олсак, катта-кичик ижтимоий жараёнларнинг цивилизацион асосда ёндашувга келиши замон талабларига айланмоқда. Зеро, цивилизацион ёндашув туфайли бугунги кунга келиб, реал таҳдидга айланган, лекин ҳанузгача ечимини тополмасдан тўпланиб қолган зиддиятлар ва можароларнинг туб илдиз ва сабабларини англаш учун инсонлар олдида катта имкониятлар пайдо бўлмоқда;

Учинчидан, назарий ва амалий фаолиятларда устивор даражада цивилизациялар хилма-хиллиги ва ҳамжиҳатлиги ҳисобга олинганда: инсонни ташвишга солган ва солаётган муаммолар балки аллақачон ечимини топган ёки умуман вужудга келмаган, сайёрамизнинг айрим минтақаларини ларзага солиб турган ижтимоий-сиёсий можаролар ва таҳдидларга балки ўрин қолмаган, давлатлар, халқлар ва этник гуруҳлар ўртасида мулоқот ва ўзаро ишонч туйғуси мақбул даражада қарор топган бўлар эди;

Тўртинчидан, ҳали олди олиниб, ечимини топмаган турли миқёсдаги норасо жараёнлар, турли халқлар ҳаётига хавф солаётган таҳдидлар умуман инсонлар ва ҳар бир халқ барҳаётлигининг цивилизацион асосларига дунёнинг барча мамлакатларида нописандлик асосида муносабатда бўлиш билан чамбарчас боғлиқликни эътироф этиб, уларга доир зарур чора-тадбирлар кўрилишини талаб қилмоқда. Ҳолбуки, тараққиётнинг истиқболи унинг ранг-баранглиги ифодаси бўлган цивилизацияларнинг маърифий мулоқоти орқали таъминланиши мумкин.

Т. ЖЎРАЕВ,
фалсафа фанлари доктори, профессор,
И. ЭРГАШЕВ,
сиёсий фанлари доктори



ТЕЛЕФОНДАГИ ОҚ КЕЛИН

Касалхона қабулхонасининг телефони жиринглади. Ичкаридан оппоқ халат кийган, ёш боладай ёқимтой, кўҳлик келин чиқди. Кўзлари пирпираб содда, самимий, хоксоргина боқади. У товусдай хиром юриб келиб телефонни олди.

— Ассалому алайкум, вой ойи, яхшимисиз, бардаммисиз? Тинчликми? Адам...

Қиз қулоқ солиб эшитди.

— Қизим, нега телефон қилмайсан, хавотир оламан. Ҳайитда бирров келиб кетганча, жимсан, мундоқ ўтириб бемалол гаплаша олмаймиз ҳам...

Қиз ойисининг сўзини ботинмайгина бўлди:

— Уйдан қўрқаман ҳадеб қўнғироқ қилгани. Ойим кўриб ё эшитиб қолишса, хўмрайиб, уришиб берадилар. Телефонни банд қилиб жаҳ ураверманг, дейдилар.

Телефонни у томонида бироз хафагарчилик, асаб бузилиши содир бўлди:

— Вой чок-чокидан сўкилиб, боши орқасига қайрилиб кетмайдими телефонингни».. Тинчмисан ўзинг ишқилиб...

Қиз кулиб қўяди:

— Ҳа, яхшиман, ойи. Бугун ойим соат тўрт яримда уйғотдилар. Эшикни ланг очиб қарадилар. Шовқинларига Сардор уйғониб, йиғлади. Ухлатиб чиқсам, «Мунча хаяллайсиз, уйқу ўлгур эви билан-да», деб қойидилар...

Телефонни у томонида яна бўғилиш.

— Вой нега эшикни тепади. Оёғи синсин. Эшикни қулфлаб олмабсан-да, бостириб кираверса...

— Вой тўғри бостириб кираверадилар, қўрқиб кетаман...

Барвақт уйғотмасалар кўнгиллари тинчимайди...

Телефоннинг у томонида ниманидир мулоҳаза қилишади:

— Майли, чида қизим. Сабр таги сариқ олтин... - Нариги томонда жиндек ўсмоқчилашади: — Қайнотанг ахир ҳеч нарса демайдими?

Қиз яна кулади. Нариги томондаги хавотир унга бироз ёқади ҳам: — Ўтган ҳафта касалхонага комиссия келадиган бўлди. Икки соат қолиб кетдим. Болаларни боғчадан ойим олиб келдилар. Унча хуш кўрмайдилар боришни. Бирпас белим оғриди деб нолидилар. Ичкаридан адам бақирдилар: «Белинг оғриса, келинингга уқалат!» - дедилар. Ойим жим бўлиб қолдилар.

Нариги томонда телефоннинг яна ҳовури кўтарилди.

Халқ удумлари

— Вой, болагинам, нега сен белини уқаларкансан. Бел оғриғларига келин бўлибсан-да. Эринг нима дейди? - Нариги томонда бу саволга илҳақлик билан жавоб кутишади. Қизга бу ёқади:

— Ота-онамни ҳурмат қил. «Жаннат оналарнинг оёқ остида» дейдилар. Нуқул куладилар.

— Кулади дегин. Хаҳ бунақа оналар жаннатни оёғи ости қилганлар. Жаннатдан мосуво бўлганлар. Тавба, тавба. Майли, қайнонангга гап қайтарма. Бобиллаб беради.

— Вой ойи, мен нима қиляпман, ҳурмат қилмай. Айтганча, ойи, суюнчи беринг, куёвингиз «Мерседес» олдилар.

Нариги томонда дориламон қайфият, овозлари майин:

— Машинами? Вой буюрсин, буюрсин, онанг айлансин!..

— Чиройли машина экан, ойи. Келаси ҳафта вақтлари бўлса мени ишга олиб келадилар.

— Майли болам, оғзингда ошинг, кўзингда ёшинг. Рўшноликка чиқиб қоларсан. Қайнотанг, қайнонанг қари. Ҳаммамиз бу дунёга меҳмонмиз.

— Вой ойи, ундай деманг, юришса, ер гурсиллайди, ойимлар бир лаган ёнғоқни чақиб ейдилар, данак чақиб бераман, кумурлатиб ўтирадилар, адам ҳали бир товоқ норинни кўрдим демайдилар. Шанба адамларни гаплари бўлди. Қуюқсуюқ норин, қийма кабоб...

Телефоннинг нариги томонида ютиниш.

— Майли болам, одамлар бўкиб ҳам ўлиб қолишади, худо кўрсатмасин.

— Вой ойи, нима деяпсиз?..

— Болаларинг қалай?

— Сардорга адаси олти юз сўмлик туфли олиб бердилар, кейин куёвингиз айтдилар: Маошингни ҳаммасини ойимга бер. Сенга ўзим бераман. Ойингга исломий рўмол совға қиласан...

Телефоннинг нариги томонида ширин хўрсиниш:

— Майли, барака топсин, ишқилиб омон бўлинглар. Нега жим қолдинг?

Қиз тараддудланади. Айтмай туролмайди:

— Ойи, куёвингиздан гоҳида сассиқ ҳид келади. Яқиндан шунақа...

— Одам атирмиди, терлайди. Одамнинг ҳиди бўлади-да, болам...

— Йўқ, ҳидларини биламан, бу бошқача ҳид, шунақа пайтда кўзлари бўмбўш бўлиб қолади, бегонага ўхшайди.

— Қўй... қўй... гапирма. Ўтиб кетади...

— Ҳа, тескари қараб оладилар, гапирсам ҳам, турт-сам ҳам, қарамайдилар.

Телефоннинг нариги томонида талмовсираш, беҳузурлик:

— Вой болам, миянгдан чиқариб ташла. Баъзан шунақа бўлади. Яхши бўлиб қолади. Шубҳа-гумон имонни кемиради.

— Хўп, ойижон, вой бошликлар келишаяпти. Хайр, ойижон...

— Майли, хайр, бошинг тошдан бўлсин, болажон...

Оппоқ келин телефонни қўйиб ичкарига кириб кетади. Ишқилиб, одамнинг боши тошдан бўлсин.

Ҳаётнинг ҳар қадами синов...

А. ЮНУСОВ

КЎНГИЛ ЯПРОҒИДАГИ ХАТЛАР

ТАЪСИР

«Бахтсизлик энг яхши мураббий» дейди буюклардан бири. Бироқ ана шу мураббий ихтиёрида тарбия топганларнинг барчаси ҳам «намунали» эмаслар..

Гап тарбия ёки мураббияда ҳам эмас, таъсирда чоғи.

* * *

БИРЛИК

Бу дунёда сенинг келажагингни ўйлаб қайғурувчи киминг бор? Тасаллисиз оғриётган кўнглинг, ғам-андуҳдан озурда қалбинг ва яна «келажаги йўқ» бўлган ишқнинг азоблари, булар сенинг истиқболинг ва фожианг ўртасидаги оралиқ масофалар, халос. Бас шундай экан, мен ҳам яшасам майлими? ... Яшасам бўларми? ...

* * *

АХИР

«Уни олдинда қашшоқлик кутарди» дебсиз, Тавба, кузатиб қўяётганингиз яна кутиб олса, ҳайратланмай бўладими? ..

* * *

ПУЛ

« - Ҳаёт - пул ҳаракатга келтирадиган машина».

« — Пулми, пулга туфураман, пулни пулим тугаганда эслайман», — дейди менинг иккита ёзувчим, қалбимнинг ҳабиблари.

хулоса:

Мен эса бойликка интилганларни ёқлайман, ахир у камбағалликдан қочмоқда, фақат қандай йўлдан кетаётгани муҳимроқ—

Ахир дунёда чиройли яшаш ҳам - санъат-ку, истеъдод-ку!

* * *

ВИДО га

... Менинг бу забун ҳолатим сиз учун эмас, бошқалар учундир...

Эҳтимол ғамгинлик тусини олган бўлса-да кулиб турувчи кўзларингиз менинг дарбадарлигимни, ожизлигимни кўриб севинаётгандир...

Бироқ мен сизни, ўзини, туйғуларини шу қадар майда нарсалар, воқеалар учун қурбон қилади деб ўйламасдим. Ҳар қалай сиз дўстлик шатранжида нодўстлик қилдингиз...

Энди ҳушлашмоқ керак, менинг энг нафис андуҳим!

* * *

МАҚСАД

Мен уларнинг бахтиёрлиги учун ўзимни бахтиёр тутмоғим керак. Толесизликдан андуҳланаётган қардошимми, замондошимми, жонимга туташ акам-укам, — барчасини ғамини аритгим келади.

Мана шу ҳазин мақсад олдида сизнинг бесабаб бераётган жазоларингиз ҳеч нарсадир...

* * *

СЕВИЛГАНСИЗ...

Севги ҳам мутлақ эмас экан, йўқса нега бу қадар чиркинлик, беандишалик ва беҳаёлик...

Севги сизни бу қадар худбин қилиб юборганига ҳайратдаман.

Ҳа, барибир сиз қиз боласиз, унинг устига севилгансиз...

* * *

БУ ДУНЁДА

Ана шу одамдангина руҳий поклик, самимий меҳрсаховатнинг нафаси уфуриб турса, ва ана шу одамгина кўзимга ҳокисор ва мумтоз бир одам бўлиб кўринса, мени нега айблайсиз...

* * *

ИСМ

Саҳифаларни титкилиб, кўнглимга қадрдон бўлиб қолган сизнинг камтаргина исмингизни излашга ўргандим. Ҳамма манфаатлардан ҳоли камтарлик билан турувчи ягона исм...

* * *

ТУШ

Ёмғирли бир тунда, сиз у аёлнинг кўз ёшларини бепоён бир меҳр билан артиб қўяр экансиз, менга ўша дамда рўмолча тутиб турмоқлик нақадар оғир...

* * *

ҚАЛБ

Сен ундан севги кутсангу, у сенга раҳм-шафқат тутса...

Бу таҳқирдек, ҳақоратдек туюлади, нафрат, мустарлик олиб келади, — деган эдингиз...Бу мудҳиш бўлсада ҳақиқат экан.

ГУЛЖАМОЛ

Пири комилга қасида

ИСМОИЛ БУХОРИЙ

Оламга ном таратган Исмоил Бухорийдир,
Илм конин яратган Исмоил Бухорийдир,
Жаҳолатни қийратган Исмоил Бухорийдир,
Олимларни яйратган Исмоил Бухорийдир,
Ўз оғзига қаратган Исмоил Бухорийдир.

Бухоро номи эди машҳур барча замонда,
Гуллаб яшнаган воҳа макину ҳам маконда,
Олимлари кўп эди, бағри эди дармонда,
Яшамаган ҳеч қачон умид узиб армонда,
Уни яна яшнатган Исмоил Бухорийдир.

Юз минг саҳиҳ ҳадисни хотирда тута олиб,
Носаҳиҳ икки юз минг кўнгилга бита олиб,
Илмлар майдонидан музаффар ўта олиб,
Минг йилларнинг қаърига саломат ета олиб,
Ўлмас ҳайкал яратган Исмоил Бухорийдир.

«Ал-Жомиъ ус-Саҳиҳ»и олам аро нур бўлди,
«Адаб ул-муфрад» эса бамисоли дур бўлди,
«Китоб ул-Фавойид»и эл учун сурур бўлди,
«Таърихи Бухоро»си кўнгилга ҳузур бўлди,
Ажиб хизмат кўрсатган Исмоил Бухорийдир.

Етти минг икки юзу етмиш беш саҳиҳ ҳадис,
«Ал-Жомиъ ус-Саҳиҳ»дан ўрин олди батахсис,
«Китоб ул-Виждон»идан машомга етар хуш ис,
«Китоб ул-Қибла» эса ислом элига раис,
Кўнгилларни забт этган Исмоил Бухорийдир.

То Қиёмат бўлажак номи тилларда достон,
Асарлари ўқилур ҳикмат тўла бир бўстон,
Нур тўла мақбараси эл учун қутлуғ остон,
Муҳиббий, уни қутлар мустақил Ўзбекистон,
Раҳматга бугун ботган Исмоил Бухорийдир.

Маҳмуд ҲАСАНИЙ

СУРАТДА: Алишер Навоий музейи илмий ходимлари А. Абдурахмонова, Н.Файзиева ва Ш. Раҳимова.

МЕКСИКАЛИК КЎЙЛАГИМ

— Ана, темир хотин!

— Вой, қани!

Овозим ғайритабиийроқ чиқдими, синглим кулиб юборди.

— Кеча мен сизга айтган кўйлак-де!

Синглим кўрсатган томонга қараб энди мен ҳам кулиб юбордим. Кумуш ранг баргли, яшилсимон кўйлак кийган семиз аёл бозор томон лопиллаб борарди. «Темир хотин қаёқдаю, бу аёлнинг кўйлаги қаёқда!»

Қайнаб ётган бозор ичидан ўзимизга йўл топиб, астасекин илгарилай бошладик. Мато дегани ғиж-ғиж. Синглим йўл-йўлакай уларнинг номини айтиб, менга бирма-бир таништира кетди.

— Опа, яхшилаб кўриб олинг. манави «Ситора». Бу «Изаура». Мана буниси «Генерал»...

«Генерал!» Вуй-вуй... Қип-қизил барқут устига каштасимон тикилган тилла ранг ҳошиялари бирам нафис... Кўзни олади. Лекин, бу нозик матога нима учун генерал деган унвон... йўғе, ном беришганикин? Синглимдан сўрашга истиҳола қилдим, негадир.

— Қаранг, манависи «Жимминг кўз ёшлари!»

У офтобда жимирлаб товланаётган пушти ранг газламанинг бир четидан ушлаб кўрди.

— Тозаси экан...

— Қаердан билдинг?

— Четидаги хориж ёзувидан, — деди синглим ўзини билағонлардай тутиб. — Савдога биринчи чиққани асл бўлади. Кейин коммерсантларнинг ўзлариям худди шунақа мато ишлаб чиқаришади. Яхшилаб қарамасангиз, фарқлолмайсиз.

Бозорнинг ўртароғигача силжидик. Атиргуллари ялтюлт қилаётган юпқа газлама кўзимга ўтдек босилди. «Бунча чиройли экан-а, бу!» Астойдил тикилиб қолганимни сезиб, синглим изоҳ берди:

— Бу — «Дикая Роза!»

Шу пайт лоп этиб хаёлимга бир фикр урилди. Шундай улкан бозорда менинг эгнимдаги кўйлакка ўхшаши йўқ экан. Нўхатсимон гўллари юз бир тусда товланувчи бу матони онамнинг қийин-қистови билан тиктириб, кийгандим.

— Менинг кўйлагимдақаси йўқ экан-а, бу ерда?

Синглим эгнимдаги либосни худди энди кўраётгандек тикилиб қолди.

— Қачон тикдиргансиз, буни?

— Яқинда...

— Сандиғингизда ётган экан-да, шу маҳалгача. «Марианна» дейилади бу. Ҳозир ҳеч ким киймайди.

— Нега? — дедим ажабланиб.

— Урфдан қолган.

Ич-ичимдан жаҳлим чиқса-да, сездирмадим. тавба, бу кўйлакларнинг қимматлигини! Нақ ўн беш кунлик маошинг кетади ҳар бирига. Шунча пул сарфлаб олсанг-у, йил ўтмай у урфдан қолса?! Қизиқ-ку! Тағин, номларини қаранг. Йилтираб турган бу матолар билан мексикалик кино қаҳрамонлари ўртасида қандай ўхшашлик бўлиши мумкин? Анави газламанинг живир-живири гўёки ҳинд киносидари раққосанинг «кўз ёшлари» эмиш! Эҳ, илгарилари... Ҳар матонинг номиям ўзига ўхшарди. сатин, чит, бахмал, шойи, пахташол, чийбахмал, беқасам, қарғашойи... Анбарбўйи деган рўмолни айтинг. Ҳай-ҳай... Бошингга пардек қўниб турарди. Бир чиройли ис анқирди шу рўмолдан. Энди-чи? Мексиканинг киноларидаги номлар бутун бозорларимизни тўлдириб... Шоша-пиша синглимдан сўрадим:

— «Морена Клара» деган кўйлак йўқми?

— Йўқ. «Валентин» деган кўйлак бор. Фақат...

— Ие, эркак кишининг номи аёлларнинг кўйлагига қўйилганми?

Синглим шарақлаб кулиб юборди.

— Э, бердисини айтгунча уриб ўлдирасиз-а, опа. Аёлларнинг кўйлаги демадим-ку, ҳали. «Валентин» деган эркаклар кўйлаги чиққан. Ёқасиз, оқ. Кийган кишининг иягидан пастига қарасангиз, худди Валентинни кўргандек бўласиз.

Кулгим қистади. Киносериал аллақачон тугаган бўлсаям, Валентин бизнинг бозорларимизда «яшаб» қолибди-да. Ўйлаганим ўзимга нашъа қилди.

— Нега куляпсиз, опа?

Синглим менинг жавобимниям кутмай, бир тўп рўмолни билагига илиб олган аёлнинг ёнига борди. Сўнг, мени қўли билан имлади.

— Бўёққа келинг. Манави, «Клара» деган рўмол. Қизингизга битта олинг. нархини тушириб берарканлар!

Напармон тусли юпқагина гулдор рўмолни аста ёйиб кўрдим. «Нимага Клара деб номлашибди, буни? Уша Клара деганлари умрида бирор марта бошига рўмол боғлаганмикин, ўзи?!»

Бозордан қайтаяпмизу, хаёлим ҳалиги матоларда, денг. Шу кўйлакларга ким ном қўяркин-а? Бозорчиларми? Ё мато ишлаб чиқараётган корхонадагиларми? Еки уларнинг аёлларими? Энди, бундан кейин урф бўладиган матоларга қанақа ном беришаркин? Ахир, Мексика кинолари тугаб бўлдию... Ўзимиззи сериаллар ҳам қоқ ярмида тўхтаб ётибди. Ишқилиб, ном қўядиганларга инсоф бersин-да. тағин бирор бир жониворларнинг номларини... Худо сақласин! Ҳеч бўлмаганда ўзларининг исмларини қўйишар. Омон бўлсак, кўраверамизда!

Бекатга етай деганимизда ёмғир томчилади.

— Вой, соябон олиб чиқмабмиз-а, — деди синглим менга ачиниш билан қараб. — Ахир кўйлагингиз...

— Ҳечқиси йўқ, — дедим ўзимни бепарво тутиб.

Усти ёпиқ бекат ичи тоғораю-челак, каттакон сумкаларни кўтариб олган бозорчи аёллар билан лиқ тўла эди. Биз ҳам четроққа бориб турдик. Автобусдан дарак йўқ. Ёмғир энди шатирлаб қуйиб берди. Бир неча лаҳза ичидаёқ уст-бошимиз шалаббо бўлди. Эгнимдаги кўйлакнинг ранглари бир-бирига қоришиб, хира тортганини кўриб ичим ачишди. Бир ёмғирликкина ҳоли бор экан-да, бу кўйлакнинг. Қайтанга атлас кийсанг, чидаб берарди! Эсиз, «Марианна!» Алвидо, менинг мексикалик кўйлагим...

Гулчеҳра ЖАМИЛОВА

ВАТАН ЯГОНАДИР

Осмоннинг юмшоқ кўксига бош тираб турган виқорли тоғларга қараб, уларнинг танидаги харсанг тошларни оёғидаги норга ўхшатгим келади. Қоматлари тик ўсган арчалар.— киприкларими-ей унинг. Оёқлари остида пишқириб оқаётган сойга қараб завқи келади кишининг. Йилнинг уч фаслида ҳам қувваи заминнинг юзига оро бериб яшнаб турган рангин чечакларни айтмайсизми?! Ҳаммаси ҳам ерга қадалгану, бўёқлари турфа. Тупроқда қандай ҳикмат борки, ҳосиятидан бир-бирига ўхшамас, мазали меваю, гул-лолалар униб чиқади. Бунча чиройли бўлмаса улар. Бундайин дилтортар, нигоҳни қувонтира оладиган манзур манзаралар ер юзида фақат муаззам Ўзбекистондагина бўлса ажабмас. Осмонига қуёшни, тупроғига мўъжизани, одамларига бағрикенглик ила маърифатни кўпроқ берган Яратгувчига шукроналар ўқигинг келади киши. Бу кун — улуғ кун, ёруғ кундир. Ўзбекистонимда истиқлолнинг янги тонгларини отмоқда. Инсоният тарихида яхши кунлар бўлиб ўтганлиги ростдир. Бироқ, эртага уларнинг фарзандлари бугунгидан ҳам фаровонроқ, маърифатга бой, ички маднияти қалб дунёсида гўзал, фозил бўлишликда қайси давр юртбошиси бунчалик, бугунчалик қайғурган эди. Ҳуррият эпкинлари силаб ўтаётган мустақил Ўзбекистоннинг ўғил-қизлари қадриятлар яна тикланиб, улуғланиб бораётган бир даврда яшамоқдалар. Отабоболаримиз неча асрлар давомида орзу қилиб келган, етолмаган дориломон кунларга шукурким, етиб турибмиз. Маърифат булоғи бошидамиз. Маданият сувига лаб тутиб туришдек бахтга муяассармиз. Шу юрт тупроғига, Она Ватанга бўлган муҳаббат том маънодаги буюк муҳаббат бўлиши муқаррар. Муҳаббати ўлароқ, зарра ҳокини соғиниб яшаганлар қанча. Шу ўринда Мирзо Бобурнинг «Фиғонким, гардиши даврон айирди ўз диёримдан», деб афғон чекиб ёзган мисраларини келтиришни лозим топдим. Ажаб, ўйланиб қоласан киши. Одам энг яқини бўлган ота-онасидан айрилганда чидай оларкан. Гоҳида қадрдон дўстидан, кези келганда, умр йўлдошидан, маҳбубасидан-да айро тушганда ўзига бардош ва тўзим тилайкан. Аммо ҳеч биринг дарди фироғи Ватанчалик бўлмайди. Дийдор қадрига етмай турган баъзиларни кўрганимда умр қайтарилмаслигини, бу чексиз, ёруғ оламда эса, Ватан битталигини уқтиргим келади. Токим улар ўз қалбларини ватанпарварлик оби ҳаёти ила суғормас эканлар, одобу илмда намуна кўрсатиб ўз юрти қадриятларини севмас ва эъзозламас эканлар, ҳуриятлар мамлакати бўлмиш озод ва обод диёримизнинг муносиб фарзандлари бўла олмайдилар. Бу борада мактабгача тарбия муассасаларининг, бошланғич таълим таянч мактабларининг роли ва вазифаси беқиёсдир. Куннинг ярмидан кўпроғини мактабда ўтказаётган ёшларда миллатпарварлик, озодлик, эркин, ҳурфикрлилик, маданий маънавиятни сингдиришда мураббий ўқитувчиларнинг хизматлари беқиёс каттадир. Бу соҳа жонкуярларига эътибор, ишига қадр, маошига барака қўшилиши беиз кетмайди албатта. Миллий маънавий янгиланишни теран англаш-масъулиятни ошириш борасида юз беради.

Истиқлол маънавиятини юқори поғоналарга юксалтириш, демократиянинг умумий талабларини ўзимизга қоида қилиб олишимиз — гўзал, озод Она Ватанимизни янада равнақ топтириб, кўз қорачиғидек асраб, келажакка етказишимиз кафолатидир.

Дилором ИСМОИЛОВА

ТУЛКИ ОВИ

Ойдин кечада ов унуми камаяди, ҳайвон эҳтиёткор бўлиб қолади. Тулки акилласа, ов бароридан келмайди. Чунки, у овчини сезган бўлади. Тулкининг акиллаши кучукчанинг акиллашига ўхшаганроқ, лекин қуруқ ва ёқимсиз бўлади.

Пистирмада ўтириб тулкини овлаш усули ҳам мароқлидир. Бу овда икки киши бўлиб, бири иккинчисидан уч юз-тўрт юз қадам нарида — хашак ғарами тагида, қиёқлар орасида, тўнка панасида, чуқурликда ўтиради. Битта пистирмадан бир неча йил фойдаланиш мумкин. Ўлганининг ўрнига бошқаси келади. Қор туфайли тулкини топиш осон. Аммо, қор эриганда уни учратиш қийин, изи кўринмайди. Бироқ, эрувгарчиликда ухлаётган тулкига яқинлашиш нисбатан осон. Оёғингиз тагида ҳеч нарса қисирламайди. Ўрни келганда шуни ҳам эслатиш жоизки, хакка (хакка, загизғон, олашақшақ — бари бир қуш) билан қора қарға овчининг душмани ҳам, улар сигналчи. Сиз пистирмада ўтирганингизда, тепангиздан уёқ-буёққа учиб, нохуш қағиллаб ва шақиллаб сизни фош этади. Буни бўри ҳам, тулки ҳам, умуман ёввойи ҳайвонлар дарров пайқайди, хавф борлигидан воқиф бўлади. Бундай пайтларда жойни ўзгартириш зарур. Акс ҳолда овингиз юришмайди.

Пистирмада ўтириб овлашнинг яна бир усули мавжуд. Ўлакса нимтани бир чақиримча ерда судралгач, қозиққа ёки кичикроқ ғўлага бойлаб қўйилади. (Тунда овчини мудроқ босиб, тулки олиб кетмаслиги учун). Оралиқ 20-25 қадамдан кам бўлмаслиги керак. Баъзан ана шу нимтани бир ярим метр баландликда дарахтга осиб, тагига қопқон ўрнатиш ҳам яхши натижа беради.

Пистирмада бекиниб ов қилишнинг ҳам ўзига яраша қийинчиликлари мавжуд. Тулкининг келиш вақтининг тайини йўқ. Бири қош қорайгача келса, бошқаси ярим кечада, кейингиси тонг саҳарда келади. Пистирма музлаган ёп, солма, жар соҳилларида ёки тўқай тугаган бурчакларда бўлгани маъқул. Тулкилар ана шу ерларда кўпроқ санқийдилар. Сабр-тоқат, чидам ва матонат ҳақиқий овчининг фазилатидир. Ана шу сифатлар мавжуд бўлмаса, у одам овчи бўлолмайди. Ҳамиша овдан ўлжасиз қуруқ қайтади.

Ов — ҳаваскорлар учун — дам олиш, мутахассис овчилар учун — меҳнат, аборигенлар учун — тирикчилик, ҳаёт кечириш манбаидир.

Сирасини айтганда, овда ҳамиша икки киши бўлгани маъқулроқ. Нега десангиз, бири бирига суянади ва кўмаклашади. Тўқайда кутилмаган кўнгилсиз ҳодисалар бўлиб туради. Ана шунақа пайтда шерик жуда асқотади. Икки овчи жўра жарнинг икки ёқасидан боришаркан, бир-бирларини йўқотмасдан, кўриб боришлари керак. Шу билан бирга ўнқир-чўнқирларни кўздан кечириш зарур. Башарти, тулки кўринса, дарҳол шерик хабардор этилади. Милтиқ тикка кўтарилса, «тулки чопиб кетяпти» дегани, ётиқ ҳолда кўтарилса, «тулки ётибди» — маънони англатади. Тулки шундай қулай жойни топиб ётадики, уни дарров пайқаш қийин. Баъзан, тулки овчидан бир неча қадам нариданотилиб чиқиб қочади.

Шошиб отилган икки ўқ зое кетади. Шунинг учун овда, хусусан тулки овида хушёр юриш керак. Ака-ука тулкилар, одатда, бир-бирига яқин ўнгирларда ётади. Яхши мерган иккаласини ҳам отиб олади.

Тулкининг ини топилгач, нарироқда, буталар орасида пусиб ўтириб, йиртқичнинг чиқишини пойлаб ов қилиш ҳам мумкин. Айрим ҳолларда, баъзи тулкилар, инидан қулоғини чиқариб атрофни тинглайди. Кейин бошини кўтариб қарайди. Бирон шарпани сезса, яна инига кириб кетади. Шунинг учун қулоғи кўрингандаёқ ўлжани нишонга олиш зарур. Бошини кўтариши билан отиш керак.

Айниқса, тулки овида атайлаб пистирма қурилмайди. Шу ерда ўсган мавжуд ўт-ўланлар, буталар, чингил ва юлғинлар пистирмага мосланади.

Овчи итлар — пакана, калта оёқли такса, калта жунли (қиррик) ва узун жунли фокстерерлар билан ов қилиш ниҳоятда завқли ва шавқлидир. Бу исковичларнинг учала тури ҳам эркалашни учалик ёқтирмайдилар. Тулки ва бўрсиқ каби йиртқич овига мослашганликлари учун хийла серзарда, баджаҳл ва қопағон итлардир. Ҳар қайсиси ўз олдига мустақил ишлашга қодир. Ўлжага жон-жаҳд билан дадил ва тажовузкорона ташланадилар. Бу даҳшатдан қўрққан ҳайвон тезда инига кириб бекинади. Учала ит ҳам тулкининг тумшуғидан тишлаб инидан судраб тортиб чиқаришга қобилдир. Улар бўрсиқ овида ҳам яхши ишлайдилар. Аслида, тулки ҳам, бўрсиқ ҳам анойи йиртқичлардан эмас. Иккаласи ҳам ўзига яраша жоҳил, айниқса, бўрсиқ хавфлидир. Ўргатилмаган ёш — тажрибасиз итларнинг панд еб қолиши ҳеч гапмас. Бошқа овларга нисбатан бу ов хийла унумлидир. Фақат, овчининг оёғи бақувват бўлса кифоя. Чунки, катта-кичик майдонларда кезишга — йўлсиз паст-баланд, ўнқир-чўнқирлардан юришга, ариқ ва зовурлардан кечишга ёки сакрашга, хуллас, кечгача одим отишга тўғри келади. Чатоғи шуки, инга кирган итлар бурга билан канага ботади. Уйга қайтгач, уларни албатта илмилиқ сувда зоошампун билан яхшилаб чўмилтириш зарур.

(Боши ўтган сонларда. Давоми бор.)

Мавлон ИКРОМ

Миллий Тикланиш
Муассис: Миллий тикланиш демократик партияси

Бош муҳаррир: Иброҳим ҒАФУРОВ

Газета 136-рақам билан рўйхатдан ўтган.
Буюртма: Г —011162.
Сотувда нархи эркин.
Ҳажми 2 босма табоқ.
Саҳифаловчи: Холида Исломова
Газета IBM компютерида терилди ва саҳифаланди.

Манзилимиз: Тошкент-83, Матбуотчилар кўчаси — 32.
Телефон 133-50-18.
«Шарқ» нашриёт-матбаа консерни босмахонаси. Манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй
Навбатчи — Бектемир ПИРНАФАСОВ.